**УЎК: 82-31:28**
**КБК: 84**
**U 36**

**Узкуса, Адам.**

Адам Узкуса: Жаннатга таклифнома / – Тошкент: 2021.:

«FACTOR BOOKS» нашриёти. – 128 б.

Масъул муҳаррир:
**Абдумурод ТИЛАВОВ,**
*филология фанлари доктори*

Қўлингиздаги китоб бошқа дин ва муҳитда яшаб, кейинчалик Аллоҳнинг ҳидояти етиб Ислом динига кирган инсонлар ҳаётидан ҳикоя қилади. Бу бадиий тўқима эмас, балки ҳақиқий, ҳаётий воқеаларга асосланган маълумотлардир. Дунёнинг турли чеккаларида яшаётган одамлар ва уларнинг илоҳий дин билан юзлашуви ҳақида бу ҳодисалар ўқувчини таъсирлантирмай қўймайди. Иймон неъмати, Ислом ҳақиқатини ҳис эттиради.

Китобни қунт, зеҳн ва ихлос билан ўқинг. Чунки ундаги ҳақиқатлар Сизнинг қалбингизни уйғотади деб ишонамиз.

Турк тилидан
Марзия Сайдам таржимаси

**ISBN: 978-9943-7516-7-5**

FACTOR BOOKS

© Адам Узкуса
© «FACTOR BOOKS» нашриёти



## ЎЗБЕК КИТОБХОНИ УЧУН ЯНГИЛИК

Қўлингиздаги «Жаннатга таклифнома» китоби айнан ана шундай таърифга лойиқ.

Ислом дини халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмидир, аслида, Ислом халқимиз турмуши, тақдирида мавжуд бўлган асос, устун десак, қадриятлар булоғи десак ҳам, сира хато бўлмайди. Фикрлаш тарзимиз, сўзларимиз, орзу ва хаёлларимиз буткул мусулмонларга хос. Ота-боболаримиз Ислом динининг буюк алломалари сифатида шуҳрат қозонганлари ҳам бежиз эмас.

Собиқ Совет даврида дин халқимизга душман деб кўрсатилди. Ислом қўрқинчли деб намойиш қилинди. Истиқлол шарофати билан минг йиллик аслимизга қайтдик.

Ўзбек тилида Ислом дини асосларини тушунтирадиган китоблар деярли йўқ эди. Кўплаб забардаст уламоларимиз, хусусан, Алоуддин Мансур, Абдулазиз Мансур, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Усмонхон Алимов каби халқимиз фахри бўлган инсонлар Қуръонга тафсир ёздилар, шаръий илмларни тизимли ва асосли равишда баён қилиб бердилар. Аммо етмиш йил вақт ўз ишини қилиб бўлди – динга бўлган эҳтиёжимиз юқори, бироқ унинг маърифатини англаб ета олмай қолдик. Дин борасидаги тортишувлар ҳам шу боис келиб чиқди. Исломнинг маърифати, инсонпарварлиги, ҳусни хулқ манбаи эканлигини айрим ўринларда фаромуш этдик. Бу ҳолда Исломнинг оламий бир дин, яъни қиёматга қадар ҳукм сурадиган, миллат ва элат ажратмай ҳар қандай инсон эҳтиёжига

жавоб берадиган дин эканлигини кўрсатувчи манбалар бизнинг заруратимизга айланди. Ер юзининг бошқа чеккаларида яшаётган мусулмонлар ҳаёти, мусулмон бўлмаганларнинг Исломга бўлган муносабати кўпчилигимизга қоронғу. Аслида, бу тўғрида билиш бизни динга бўлган муносабатларимизни мўътадиллаштиради, қалбимиз кўзларини очади.

Таржимон Марзия Сайдам турк ёзувчиси Адам Узкусанинг «Жаннатга таклифнома» китобини ўзбек тилига ўгириб, бизга мўъжаз ва қадрли ҳадя ҳозирлабди. Бу китобда турли миллатга мансуб одамларнинг Исломга кириш ҳақидаги ҳикоялари ўрин олган. Уларни ўқиш билан биз турли ўлкаларга бориб қоламиз, ўз динимизни, яъни онгимизда шаклланган динни таҳлил этиб, уни асл Дин билан нақадар мос келишини ўрганамиз, олган хулосаларимиз эса бизни янада инсонпарвар, маърифатли бўлишга, диннинг қийматини чуқурроқ англашга чорлайди деб ишонаман.

Ўзбек китобхонларига ушбу фойдали, манфаатли нашр муборак бўлсин!

**Акром МАЛИК,**
Навоийшунос, ёзувчи, «Илҳом»
мукофоти 1-ўрин совриндори





## КИШИ КИТОБИНИНГ ДИНИДАДИР

Бундан бир неча йил аввал қўлимга бир китоб тушиб қолди. «Жаннатга таклифнома» номли. Муаллифи Адам Узкуса эди. Китобни бир ўтиришда ўқиб тугатдим, аммо ойлар ўтса ҳам унинг таъсиридан чиқиб кета олмадим. Қанийди, таржима қилсам-да, менинг севимли миллатим ҳам бу китобдаги ҳидоят ҳикояларидан баҳраманд бўлса деган орзу тинчлик бермай қўйди.

Ҳадисда марҳамат қилинади: «Киши дўстининг динидадир», – дея. Мақолларимизда ҳам: «Сен дўстинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтаман», – дейилади.

Ўқиётган китобларимиз ҳам бир Дўст ёки Душман ролини ўйнаши мумкин экан. Айниқса, менинг яшаб турган муҳитимда китоб танлаш жуда мушкул. Китобларда адашиш, инсонлар орасидаги адашишдан хавфлироқ деб биламан.

Сўзни узайтирмасдан сизни китобга таклиф қиламан. Муаллиф ҳақидаги маълумотларни китобнинг охирида беришни лозим топдим.

Ҳурмат билан,
**таржимон Марзия САЙДАМ**

# МУҚАДДИМА

Бир китобга муқаддима ёзиш баъзан у китобни ёзишдан ҳам қийин бўлади. «Жаннатга таклифнома» номли китобимга муқаддима ёзишда, буни ҳис қилдим.

«Инсон қандай қилиб ўз динини ўзгартириши мумкин?»

Бу савол болалигимдан бери жавобини излаган сўроқларимдан бири эди. Бошлангич синфда ўқиётганимдаёқ саволларимга жавоб қидириб газета-журнал титкилар эдим. Кейинчалик эса доим ўзи бошқа динда бўлиб сўнгра Исломга кирган инсонларни интернетдан кузата бошладим.

2006 йилда икки марта журналистлик вазифам сабаб Афғонистонга боришимга тўғри келди. У ерда Австралия армиясида ишлаган бир офицер билан танишиб қолдим. Исми Мефйу Стифут эди.

Кейинчалик эса машҳур инглиз журналисти Увонне Рёдлейнинг Исломга кириш ҳикоясини ўз оғзидан ёзиб олиш насиб қилди. Иккаласининг ҳам ҳикояси жуда ибратли эди. Аммо бу ҳақда китоб ёзишни ҳеч ўйламагандим.

2007 йилда таҳририят мени уруш мухбири сифатида Яқин Шарққа жўнатди. Қадимий ва рангли шаҳар Шомга жойлашдим. Илк кунларим эди, бразилиялик ҳожи





Исмоил билан танишиб қолдим. У аввал бир католик руҳонийси бўлган. У билан суҳбатим мени бу дунёга янада чорлади.

Дунёни кездим ва янада кўпроқ ҳидоят топган инсонларни қидириб топиб тонггача суҳбат қурадиган бўлдим. Айниқса, Таиланд ва Малайзияга борганимда аввал бошқа динда, бошқа маданиятда бўлиб кейин нима учун Исломни танлаганлари билан қизиқдим. Бу ҳикояларни тўплаб ўқувчиларим билан баҳам кўришга қарор бердим.

Ҳикоялар бир-бирига ўхшамайди. Қаҳрамонларимнинг бири аввал руҳоний, бири машҳур артист, бири наркобарон, бири миссионер эди. Ислом уларга янги бир ҳаёт бахш этганди.

Интервьюларимда уларнинг кўз ёшлари, севинчлари ва ҳаяжонларига гувоҳ бўлдим. Бу ҳикоялар менга ҳеч тинчлик бермай қўйди. Китоб ўқирканман, йўлда юрарканман, бошимни ёстиққа қўяркanман, хаёлимдан кетмасди. Чунки ҳеч бири бадиий тўқима эмас, балки яшалган бир ҳаёт эди.

Сизлар ҳам бу китобни ўқиш давомида баъзан ҳайрат, баъзан хурсандчилик, баъзан йиғи ичида қолишингизга аминман.

Китобни ёзиш вақтида бу ҳикоялар «Ҳақиқий ҳаёт» журналида эълон қилиб борилди. Кутилмаганда ҳидоят

ҳикоялари билан боғлиқ кўплаб мактублар олдим. Ҳатто бу мактублар сони ўн мингтага етганди.

Ҳикоялар бир китоб ҳолига келишида, шубҳасиз, бир неча киши олдида қарздорман. Айниқса, аёлим Розия Нур хоним, Али Туна, ўртоғим Тонер Олтун, Амруллоҳ Ўзтурк ва англиялик Билолнинг ҳиссаси катта бўлди.

Уларнинг ҳаммасини вафо ила эсга оламан. Улардан Аллоҳ рози бўлсин.

Сизларни эса бу ҳикояларни ўқишга таклиф қиламан.

**Адам УЗКУСА,**
2010 йил, 6 март.





# ЖАННАТГА ТАКЛИФНОМА

## Биринчи қисм

## ҲАЁТИМ ҚУРЪОН БИЛАН НУРЛАНДИ

Абдулҳаким билан Шомда – бир масжидда танишиб қолган эдим. Кейин эса у тез-тез кўришиб турадиган дўстимга айланди. У Англияда туғилиб ўсган, аммо асл ватани Нигерия. Фақат Нигерияга ҳеч бормаган. Абдулҳаким билан суҳбатларимиз, одатда, Қуръон ҳақида бўлар эди. Ҳаётдаги энг яхши дўстим бу Қуръондир дер эди у. Исломга киришидан аввал исми Окерогхена Эгбёди бўлган. Қуйида Абдулҳакимнинг ҳидоят ҳикоясига гувоҳ бўласиз.

– Абдулҳаким, суҳбатимизни мусулмон бўлишдан аввалги ҳаётингдан бошласакмикан?.. Қайси йўллар сени Исломга бошлаб келди?

– Христиан бир оиланинг ўғлиман. Лондонда туғилганман. Онам монастирда ишларди, отам ҳам тақводор бир христиан эди. Онам ҳар якшанба мени ва укаларимни монастирга олиб борар эди. Бироқ мен 14 ёшга тўлганимда монастрга боришдан бош тортдим.

– Нега бош тортдинг?

– Англияликлар учун бу бир урф, ота-онасининг истаги билан 13 – 14 ёшгача ҳамма монастирга бориб

маросимларда катнашади. Кейин ҳамма бу одатни тарк қилади, фақат кексайганида яна руҳонийга эҳтиёж сезиб қолади. Мен ҳам шу одатга амал қилган эдим.

– Монастирга бормай қўйишинг, ҳаётингда бирор ўзгаришга сабаб бўлдими?

– Ҳа, жуда кўп...

Мен яшаган маҳалла Лондоннинг шимолидаги энг бузуқ жой, хаёлингизга келган ҳар қандай жиноят бу ерда содир бўларди. Мен ҳам қизлар билан юрардим, арок ичардим, сигарет, наркотик – ҳаммасини чекардим. Ўртоқларим ҳам ўзимга ўхшаганлар эди, табиий.

– У маҳаллада фақат Африкадан келганлар яшайдими?

– Йўқ, Лондоннинг шимолида ҳар хил миллат яшайди, ўртоқларимнинг орасида турклар ҳам бор эди.

– Монастирга бормасанг-да ўзингни бир христиан каби ҳис қилар эдингми?

– Христианлик менга беҳуда бир дин каби туюла бошлаганди ўзи.

– Нега?

– Монастирдаги руҳонийлар ҳазрат Ийсо ва Тангри бир киши дейишарди. Бу менга ҳеч мантиқли кўринмасди. Руҳонийлар сира самимий эмасди, Ийсо алайҳиссаломнинг исмидан фойдаланиб, фақирлардан пул йиғишарди. Мен атеист бўлишга қарор қилдим.

– Ислом билан қандай танишдинг?





– Лицейда африкалик Самир исмли бир ўртоғим бор эди. Самирнинг оиласи мусулмон, аммо ўзи Ислом ҳақида ҳеч нима билмасди. Лицейдан кейин бир кун Самир билан кафеда учрашиб қолдик, у ўзгариб кетганди. Тинмай менга савол берарди.

– Қанақа савол?

– Масалан, «Дунёга нима учун келдик?», «Яшашдан мақсад нима?», «Ўлимдан сўнг ҳаёт борми?» каби саволлар.

– Бу суҳбатларда Самир сенга ҳеч Исломдан сўз очдими?

– Йўқ-да... У саволларни менинг ички дунёмга ташлар ва улар билан мени ёлғиз қўяр эди. Бир неча ойдан кейин Самир менга: «Бангладешлик бир дўстим бор, у билан суҳбатлашишингни истардим», – деб қолди. У жуда илмли, унинг суҳбатини завқ билан тинглайсан, ҳеч тўймайсан», – деди. Унинг бу таклифини аввалига рад қилдим. Чунки Самирнинг саволларига жавоб бера олмаяпман-у, бошқасиникига қандай жавоб бераман? – деб ўйладим. Яхшиси, Миямни чайқалатмай! – дедим. Аммо ҳар доим ўлим ҳақида ўйлардим, йўқ бўлиб кетиш туйғуси мени безовта қилар эди. Кейин китоблар титкилашга тушдим.

– Қанақа китоблар?

– Фалсафа китоблари. Декартесдан анча таъсирландим. Университетнинг фалсафа бўлимига

ҳужжат топширдим. Орада христианлик, яҳудийлик, буддизм, ҳиндуизм ҳақида изланишга тушдим. Фақат бу динларнинг ҳеч бири зеҳниятимдаги саволларга жавоб топиб бера олмади. Ҳатто бир Яратувчи йўқ деган қарорга келдим. Бир кун Самир яна таклиф қилди. Ниҳоят, бангладешликнинг зиёратига бордик.

– Бангладешлик билан бўлган суҳбатни эслайсанми?

– У ҳам Самирга ўхшаб менга саволлар берган эди. У жуда билимли эди, саволларига жавоб бериб улгура олмасдим. Мендан: «Бирор динга мансубмисан?» – деб сўради. «Бир Яратувчи бордир, балки! Аммо мен уни танимайман» – деб жавоб бердим. «Уни сенга фақат ва фақат Қуръон танита олади», – деди ва Қуръон ўқишни тавсия қилди. «Сен Қуръонни ўқисанг, ўзинг ҳис қиласан – бу Китоб Аллоҳ тарафидан индирилганини!» – деган эди. Бангладешлик гўё Қуръон мени ишонтириб қўйишига ишонаётганди.

Суҳбатимиз етти соат давом этди. Қуръонни бир ўқиб чиқишга қарор қилдим. Самир: «Менда инглизча таржимаси бор, лицейда бир муслима ҳадя қилган эди, аммо ўқимагандим, энди ўзим ҳам қизиқиб қолдим, аввал мен ўқийман», – деб бермади.

Эртаси куни африкалик бир ўртоғим таътил учун Ганага кетаётган экан, мени ҳам таклиф қилиб қолди. Йигирма кун Ганада бўлиб қайтиб келдим, келишим билан





Самирга қўнғироқ қилиб: «Қуръонни ўқидингми?» – деб сўрадим. У: «Бир неча саҳифа ўқидим, менга ёқмади бу китоб», – деб жавоб берди. Ундан китобни сўрадим ва олган заҳотим ўқишни бошладим.

Беш пора ўқиб қўйгандим. Жуда таъсирландим. «Каҳф», «Марям», «Тоҳо» сураларини ўқирканман, бу Китоб Яратувчининг китоби эканлигига иқрор бўлдим.

– Қуръоннинг нимасидан таъсирландинг?

– Қуръон ўқимасдан аввал миям саволлар билан тўла эди, ҳеч бир китобдан бу саволларга жавоб топа олмагандим. Қуръон ҳам саволларимга жавоб, ҳам қалбимга ҳаловат берар эди. Мени ҳайратлантирган яна бир сабаб шуки, Қуръон инсон ҳаётини бошдан оёқ тартибга солар эди. Қуръон инсоннинг яшаши давомида эҳтиёж сезган ҳар сохасига қонун қўяди ва янги бир ҳаёт билан таништиради. Бу ҳолатни на Тавротда, на Инжилда кўргандим. Айниқса, тафаккур соҳиби бўлган бир кишининг Қуръонни ўқиб иймонга келмаслиги мумкин эмас. Ёки Қуръонда: «Аллоҳ ҳамма нарсани сувдан яратди», – деган оят бор. Замонавий дунё эса бутун махлуқотнинг сувдан яратилганини энди кашф қилди. Аммо 1400 йил аввал келган бир китоб билим дунёсининг бугунги кашфиётидан хабар бермоқда. Бу қандай бўлиши мумкин?

– Мусулмон бўлишга қарор қилганингдан кейин нима қилдинг?

– Бу карорга келдим-да, аммо қандай қилиб мусулмон бўлишни билмасдим. Самирга қўнгироқ қилиб, қандай қилиб мусулмон бўламан деб сўрадим. У мени арабларнинг ресторанига олиб борди, у ерда бир гуруҳ мусулмон ёшлар бор эди. Улар менга: «Калимаи шаҳодат келтирасан, шуни ўзи етади», – дейишди. Мусулмон бўлишнинг бу қадар осон эканлиги мени ҳайратга солди. Шаҳодат калимасини айтганимдан кейин хамма мени кучоқлаб табриклади. Қўлларимни ювиш учун у ердан чиқдим ва ойнага қарадим, илк бор ўзимни ҳаловатда кўрдим. Ресторан соҳиби дубнолик киши ёнимга келиб: «Бундан кейин бу ердан истаган овқатингни текинга ейишинг мумкин, чунки сен энди бизнинг биродаримизсан», – деди. Яна ҳайратга тушдим, чунки Англияда ҳеч ким бир-бирига игна ҳам бермаслигини билардим. Кейин билсам, бу мусулмонлар учун оддий ҳол экан. 2003 йил Рамазонга 12 кун қолган эди. Биринчи марта рўза тутдим ва эътикофга кирдим.

– Мусулмон бўлишинг билан эътикофга киришни ким тавсия қилди?

– Эътикофга ўз хоҳишим билан кирдим. Самирдан баъзи саволларимга жавоб олдим, у: «Рамазоннинг охирги 10 кунида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам эътикофга кирардилар», – деди. Мен ҳам агар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам кирган бўлсалар, бу яхши нарса деб ўйладим. Эътикофда ўтириш





учун масжид излашга тушдим. Ниҳоят топдим. Масжид эшигини қоққанимда бир мусулмон очди, албаниялик экан. «Нима керак сенга?» – деди. Мен ҳам: «Эътикофга кирмоқчиман», – дедим. У бўлса: «Имомнинг розилиги керак бу учун», – деб уст-бошимга ёқтирмай қаради. Чунки кийимларим мусулмонларнинг уст-бошига ўхшамас эди. Албаниялик ичкарига кириб кетди ва бироздан кейин қайтиб келиб: «Имом изн бермади, биз билан эътикофда ўтира олмайсан», – деб эшикни ёпиб қўйди. Жуда хафа бўлдим, чунки менинг мусулмон эканлигимга ишонишмаганди. Эътикофда ўтиришни жудаям хоҳлагандим, ҳеч қаерга кетмасдан эшикнинг тагида ўтирдим. Имомнинг менга изн беришини сўраб Аллоҳга дуо қила бошладим. Нақ бир соат тинмай дуо қилдим. Бир соатдан кейин бошқа бир мусулмон чиқиб қолди. «Ҳалиям кетмадингми сен?» – деб сўради. У Мустафо исмли бир турк экан. Унга: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тавсияларига амал қилиш учун эътикофга киришни хоҳлайман», – дедим. Мустафо бирдан йиғлашга тушди ва мени ичкарига олиб кирди.

– Илк намозингни эслайсанми?

– Илк намозимни эътикофда ўқидим, у ерда жуда кўп диний билимга эришдим. Ҳаммасини менга Мустафо ўргатди. Эътикофда Қуръон тафсирини ўқиб тугатдим,

мен бу Китобни шунчалар севиб қолдимки, ухлаганимда ҳам қучоқлаб ётардим.

– Иймон сени ўзгартирдими?

– Қуръон ўқиганим сайин қалбим, зеҳним, ҳаётим ойдинлашаётганини ҳис қилдим. Гўё янги туғилган бола эдим. Ҳатто ҳеч ким билан гаплашгим келмай қолди. Вақтимни фақат Қуръон ўқиб ўтказгим келарди. Кейин ҳадисларни бошладим. Менга мусулмончиликни ҳадислар ўргатди. Ҳадисларнинг менга берган илк дарси ниятни тузатиш бўлди. Ҳар бир иш Аллоҳ учун қилиниши керак, инсонлар ёки бирор манфаат учун эмас.

– Мусулмон бўлишингни яқинларинг қандай қабул қилди. Онанг қарши бўлгандир?

– Отам ҳеч нима демади, аммо онам ўғлим ақлдан озди деб ўйлади. Намоз ўқиганимда: «Нима қиляпсан? Бу қанақа ибодат?» – деб саволга тутишарди.

– Сендан кейин оилангдан Исломни қабул қилганлар бўлдими?

– Ҳа, иккита укам мусулмон бўлди. Аввал биз роса безори, кўча боласи эдик. Онам ўзи христиан бўлса ҳам: «Сизни мусулмон бўлганингиз яхши бўлди-да, аввалги ҳолингиздан бу мусулмончилик яхши экан, ҳечам мусулмончиликни тарк қилманглар», – дерди.

– Англияда сенга ўхшаб Исломни танлаганлар кўпми?

– Ҳа, кўп. Айниқса, аёллар орасида ҳар ойда қирк





нафар аёл Исломга киради.

– Инглиз аёлларининг Исломга қизиқишини сабаби нима сенингча?

– Инглиз эркаклари аёлларга фақатгина жинсий алоқа воситаси сифатида қарайди. Бунга кўп аёллар қарши чиқарди, улар Исломнинг аёлга берган қийматини билганидан кейин, албатта, бу динни танлашарди.

– Инсонлар, одатда, Европага кетишни орзу қилишади, яшаш шароитлари яхши дея, аммо сен Шарққа келибсан, бунинг сабаби нимада?

– Тўғри, Европа моддий жиҳатдан бой. Аммо бойлик фақат пул билан ўлчанмайди. Ҳақиқий бойлик иймонда, қашшоқлик эса Яратганни танимасликдадир. Европа бу мавзуда жуда камбағал. Шарқ халқи киноларда кўрганидек, Европани ялтироқ тасаввур қилади. Бу – хато.

Иккинчи қисм

## ИТАЛИЯЛИК ЭЛИЗА

– Мусулмон бўлишдан аввал бирор динга эътиқод қилар эдингизми?

– Лицейнинг охирги курсигача динларга сира қизиқмадим. Охирги курсга келганимда фалсафага қизиқиб қолдим, фалсафа мени динлар тарихига бошлаб келди. Бу қизиқишим сабаб Верона университетининг фалсафа факультетига ўқишга кирдим. Кейин Инжил ўқидим, ҳафтада икки кун черковга бориб, руҳонийнинг ваъзларини тинглар эдим. Инжил менга фалсафага қараганда анча мантиқли туюлди. Кейин яхши бир христиан бўлишга қарор бердим.

– Инжилни нимасидан таъсирландингиз?

– Инжилдан таъсирланган жойларим ҳазрат Марям ва Довуд пайғамбарнинг (алайҳимуссалом) қиссалари эди. У қиссалардан бир Яратувчининг борлигини англадим. Инжил ўқишдан ҳузурланар эдим.

Университетнинг 2-курсида бизга динлар тарихидан дарс берадиган бир ўқитувчимиз бор эди. У киши Ислом ўлкаларининг деярли ҳаммасига саёҳат қилган, аммо ҳеч бир динга ишонмас эди. Бизга бу ўлкалардаги кузатувларини сўзлаб берарди. Ўқитувчимиз: «У





ўлкаларда мени ҳаяжонлантирган иккита ҳодиса юз берганди, – деган эди. – Биринчиси азон, иккинчиси Рамазонда инсонларнинг бир ой оч қолиши».

Менинг Ислом ҳақидаги тасаввурим шу икки ҳодисадангина иборат эди. Аммо Италия ОАВлари Исломни бошқача ёритарди. Бу дин жаҳолат ва террор дини дея мияларимизга қуйишарди.

– ОАВлардаги бу бўлмағур хабарларга қарамасдан қандай қилиб Исломга қизиқиб қолдингиз?

– Университетда ўқитувчимиз менга мусовийлик билан боғлик бир вазифа берди. Мусовийликни ўргананиш давомида онамнинг кутубхонасидаги Қуръондан фойдаланмоқчи бўлдим. Қани, Қуръон мусовийлик ҳақида нималар дейди деб қизиқдим. Уни ўқир эканман, Инжилга ўхшашлигини, аммо ростгўй бир китоб эканлигини англадим. Айниқса, қиёмат ҳақидаги оятлардан жуда таъсирландим.

– Ислом билан қизиқишингизга Қуръон сабаб бўлган экан-да?

– Йўқ, бу эмас. Мисрлик бир оила билан таниш эдим, бу танишлигим Исломга қизиқишимга кўпроқ сабаб бўлди. Марям исмли мисрлик бир дугонам бор эди. Марямнинг отаси Имад амаки баъзан бизга Исломдан баҳс қилар эди. Бу оиладаги ҳаловатни кўриб ҳайрон қолар эдим. Бу ҳайронлик мени Исломга олиб кирди.

– Имад амаки Исломнинг қайси жиҳатларига урғу берар эди?

– Ҳар доим ахлоқ мавзусида гапирарди. «Диннинг тамоми ахлоқдир, албатта, инсоннинг яхшиликлари ва хатолари бўлади. Яхшиликларининг ҳаммаси исломий ахлоқнинг тимсолидир», – дер эди.

Марямнинг оиласидагиларнинг ҳеч бири муаммо ва қийинчиликлардан қўрқмасди. Кейин билдимки, бу жасорат Исломдаги ишонч ва иймон сабабли экан. Ҳар ишни «Бисмиллаҳ» дея бошлашарди. Марямнинг оиласи Италияда мен дуч келган энг ишончли оила эди. Чунки италиян оилалар жуда муаммоли бўладилар. Унинг оиласидагилар эса ёрдамсевар ва бир-бирига доим кўмак берадиган инсонлар эди. Улар билан бирга эканлигимда ўзимни хотиржам ҳис қилар эдим. Бунга қарамасдан мусулмон бўлишни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Марям билан бир-икки марта масжидга боргандим, у ерда Шайх Эмин исмли киши билан танишиб қолдим.

– Шайх Эминнинг сизга қандай таъсири бўлди?

– Бир кун у янги дин келганлиги ва христианлар у диннинг пайғамбарига иймон келтирмаганлиги ҳақида гапириб қолди. Унинг ҳар бир суҳбатидан кейин ақлим иккиланишлар ичида қолиб кета бошлади. Шайх Эминнинг гаплари мантиқли бўлгани учун рад ҳам қила олмасдан ўзимни боши берк кўчага кириб қолгандек ҳис





қила бошладим. Христианлик ҳақида шубҳага тушиб қолдим. Кейин бир попнинг ҳузурига бордим ва ундан ўзимни қийнаган саволларга жавоб беришини илтимос қилдим.

– Қанақа саволлар эди улар?

– Таслис, яъни Тангри учтадир дейишимиз ва католикларнинг ҳазрат Ийсони ҳам Тангри, ҳам Тангрининг ўғли дейишлари билан боғлиқ саволлар эди. Булар ниҳоятда мантиқсиз туюларди менга. Христианлар ҳазрат Ийсони одамларнинг гуноҳларига каффорат бўлиши учун ўлдирилганлигига иймон келтиришарди. Бу мавзу ҳам менга тинчлик бермасди.

– Руҳонийнинг жавобларидан қониқдингизми?

– Руҳоний менга: «Бу мавзуларни ҳеч кавлама, Ийсо Масиҳга ишонишда давом эт, йўқса бахтиқаро бўласан», – деди. Кейин яна уч нафар руҳоний билан учрашдим. Ҳаммасига таслис мавзуси сабаб христианликдан шубҳага тушиб қолганимдан сўз очдим. Энг охирги учрашганим руҳоний саволларимни эшитиб йиғлай бошлади. Бунинг сабабини сўраганимда: «Ўзим ҳам йиллардир таслис ҳақидаги шубҳаларимни юрагимда ташиб юрибман, аммо жавоб топа олганим йўқ, сен тўғри йўлдасан, Исломни қидиришда давом эт», – деди. Руҳоний мени ҳайратга солиб қўйганди. Аллоҳнинг ягона эканлигига қатъий ишона бошладим ва Ислом ҳақидаги китобларни

ўқий бошлагандим. Асосан Қуръонни Инжил билан солиштириб ўқир эдим. Кейин эса Ислом билан яқиндан танишиш учун бирорта Шарқ ўлкасига саёҳат қилишга қарор қилдим. Уч ярим йил аввал Мисрга боргандим.

– Нега энди Миср?

– Нил дарёси соҳилида ўтиргандим, ҳаётимда илк бор азон овозини эшитдим. Маъносини тушунмасам-да, ичимдан сажда қилиш орзуси келди. Энг яқин масжидга кирдим ва бир соат бошимни кўтармасдан саждада қолдим. Кейин меҳмонхонага келдим ва Аллоҳдан менга энг тўғри йўлни кўрсатишини сўраб ёлвордим. Ухлаб қолибман, туш кўрдим. Тушимда жуда ёмон бир жойда эмишман ва у ердан қочаётган эдим. Бирдан гўзал бир жойга қочиб кирдим. У жойда бир овоз эшитдим: «Қиблага йўнал, ҳузурга қовушасан ва ҳақиқатни топасан!» – деган. Ҳали ҳам тушимда ва қиблани қидираётган эдим. Қиблани топа олмасдан уйғондим. Бу тушдан кейин энг яқин масжидга бориб иймон келтирдим.

– Европа маданиятида улғайган бир аёл сифатида Исломнинг эркакларга берган тўрт хотин ҳаққини қандай баҳолайсиз?

– Ислом бир эркакни бир нечта аёлга уйланишига изн беради, фақат адолат қилишни шарт қилади. Бу эса ижро қилиниши энг қийин бўлган ишдир. Аллоҳдан қўрқадиган бир мўмин аёллари орасида адолатни қойим





қила олмаслик ҳадигини тарк қила олмайди. Европада бир аёл айни замонда бир неча эркак билан баробар жинсий муносабат қилаверади, эркаклар ҳам шунақа. Аммо Ислом жинсий ҳаётни энг гўзал тартибга солиб қўйган.

– Мусулмон бўлишингизни оила аъзоларингиз ва яқинларингиз қандай қарши олди?

– Мусулмон бўлганимдан кейин асосан отам билан орам бузилди. У рўмолимдан нафратланар эди. Шунинг учун уйга келганимда рўмолимни ечиб, яшириб, кейин эшикдан кирар эдим. Кейинчалик отам рўмол ўрашимни анча кўникди. Мендан кейин онам ҳам Исломга қизиқиб қолди ва изланишга тушди. Жуда қисқа вақт ичида онам ҳам мусулмон бўлди. Роса хурсанд бўлдим, биз икки киши эдик. Энди отамни кута бошладим. Кўп ўтмай отам мендан Қуръон китоб сўраб қолди, у Қуръон ўқий бошлади.

– Феминистлар: «Ислом аёлларни эзади», – дея даъво қилади. Бу ҳақида бирор фикрингиз борми?

– Фақат Исломгина аёлни ҳимоя қила олади. Бошқа ҳеч бир қонун буни қила олмайди. Европада аёллар ҳурдек кўринади, аммо ҳур эмас. Эркаклар аёлларга қиймат бермайди. Ислом аёлнинг бутун яшаш шароитини кафолат остига олган диндир.

Ўн саккиз ёшга тўлган куним отам менга: «Бундан кейин сени боқишга мажбур эмасман, ишга кир ва уйдан кет», – деган эди. Италияда оталарнинг ҳаммаси шундай

қилади. Фақат мусулмон оилалардагина болаларга нисбатан бундай муомалани кўрмадим. Марямнинг ота-онаси ҳам фақир бўлишига қарамай бу ишни қилмаганди. Агар қиз турмуш қурмаган бўлса отаси, қурган бўлса, унинг эҳтиёжлари қаршисида эри мажбур, албатта. Аёлларга нисбатан олинган бу назокатли қарор на Америкада бор, на Европада.

– Ҳижоб ўрашга қандай қарор қилган эдингиз?

– Марямнинг отаси доим: «Исломда аёлнинг қиймати олтин кабидир, олтин эса ҳар доим ҳимояга муҳтож», – дер эди. Бу сўзлари мантиқли эди. Ўз хоҳишим билан ўзимни ҳимояга олдим.

– Сиз ўз навбатида бир ёзувчисиз. Исломга кирган италиянлар билан телефон орқали интервью олиб, уларни тўплаб китоб қилдирган экансиз. Ўша китобга қизиқиб қолдим. Қаҳрамонларингиз орасида сизга энг аҳамиятли қайси?

– Бу китобни покистонлик бир ўртогимнинг тавсияси билан бошлаган эдим. Ўртогим бир куни менга: «Сенинг ҳидоят ҳикоянгни ўқиган жуда кўп инсон бундан таъсирланиб Исломни қабул қилмоқда», – деб қолди.

Кейин эса мен уларни қидириб топдим. Менинг Исломга кириш тарихимдан таъсирланиб мусулмон бўлган италиянлар 26 нафарга етган эди. Уларни бирма-бир тинглаб чиқдим, телефон орқали ҳар бири билан





репортаж қилдим. Бу суҳбатларни эса тўплаб китоб қилиб чиқартирдим. Европада бугунги кунда Исломга қизиқиш кучли бўлгани учун китобнинг исмини «Исломга қайтиш» деб қўйдим. Италияда китобим энг кўпададда сотилди. Янада кўпчиликнинг Исломга киришига сабаб бўлди. Айниқса, қаҳрамонларим орасида ўн уч ёшли бир қизча бор эди.

– У қизча ҳақидаги хотираларингизни баҳам кўра оласизми?

– Ўқитувчиси унга Ислом ва Ислом ўлкалари ҳақида иншо ёзишни вазифа қилиб беради. У ҳам изланиб Ҳақни топган, бу уйга вазифа уни Исломга бошлаб кирганди. Исми Хадийжа эди. Хадийжа билан учрашганимда кучли бир характерга эга эканлигини ҳис қилдим. «Сен бу кучни қаердан оляпсан?» – деганимда, аввал бундай эмасдим, «Бу кучни менга Ислом дини берди», – деди.

– Исломни қабул қилганлар билан гаплашганимда уларнинг: «Биз бугунги кун мусулмонларини таниганимиз сари умидсизликка тушдик», – дейишади. Сиз ҳам гувоҳ бўлдингизми бундай ҳолатларга?

– Ҳа, инсонларнинг намоз ўқимасдан, ҳижоб ўрамасдан, ёлғон гапириб, ваъдасига вафо қилмаган ҳолда биз ҳам мусулмонмиз дейишлари мени хафа қилади. Ислом ўлкаларидан келиб Европага жойлашган мусулмонлар Европада қолиш учун Исломнинг баъзи

амрларини бажармайди ёки мусулмон эканлигидан уялади. Ваҳоланки, мусулмон бўлишнинг ўзи буюк бир қувватдир. Илм соҳиби бўлган ёлгиз Аллоҳдир, у инсонларни ҳақиқатга богланиши учун ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг воситалари ила бу динни нозил қилди. Тўгри бўлган барча қонун-қоидалар Исломникидир. Бу сўзларни ҳар жойда ҳар доим айтишдан қўрқмаслигимиз керак.

– Италияда Исломга нисбатан қизиқиш қай даражада?

– Италиянлар одатда мусулмонлардан қўрқади. Чунки ОАВлар тўхтовсиз Исломни ёмон кўрсатувчи хабар ва материалларни эълон қилиб боради. Италияда Исломга қарши ҳар қандай ҳужумга қонунан изн бериб қўйилган. Исломга душманчиликка жазо берилмайди. Яҳудийликка қарши бирор ҳаракат содир қилинса, бунинг жазоси бор. ОАВларнинг бундай кенг қамровли қаршилигига қарамай Италияда ёшларнинг Исломга қизиқиши кучли. Мен Италиянинг энг нуфузи оз раёнида туғилганман, шунга қарамасдан бу ерда сўнгги икки йил ичида юз нафар аёл ва 23 нафар эркак мусулмон бўлди. Бу саф янада кенгаяди деган умидим бор.





**Учинчи қисм**

## СОБИҚ ПОП ИСЛОМГА ДАЪВАТ ҚИЛМОҚДА

Исмоилни бир дўстим орқали таниган эдим. Бир неча марта унинг уйида меҳмон бўлдим. Унинг Лотин Америкасидаги фаолияти ҳақида соатларча суҳбат қурдик. Ҳар сафар уйига борганимда у ерда Колумбия, Бразилия, Аргентина, Испаниядан келган мусулмонларга дуч келардим. У суҳбати ширин инсон эди. Исломга кириш ҳикоясини ўз огзидан ёзиб олдим. Аввал исми Комис Дук Сантос бўлган, энди эса Ҳожи Исмоил.

У 22 йил черковда поп бўлиб ишлаган ва кейин Исломни қабул қилган. «Нега мусулмон бўлдим?», «Христианларни Исломга қандай даъват қиламан?», «Мусулмонларнинг ақийдаси» номли китобларнинг муаллифи ҳамдир. Ҳожи Исмоил аёли Хадийжа ва невараси Нежаҳ билан бирга Бразилияда уйма-уй юриб инсонларга Исломни тушунтиради.

– Ҳожи Исмоил, ҳаёт ҳикоянгизни тинглашни хоҳлардим. Мусулмон бўлишдан аввал қандай поплик мактабларида таълим олдингиз?

– Энг илмли поп бўлиш учун 13 ёшимдан бери мужодала қила бошладим. Тинмай илм олдим. 18 ёшимда «Нубувватнинг овози» номли черковга ўқишга кирдим. У ерда Муқаддас Китобни бутунлай ёд олдим. Кейин

эса яна уч йил Таврот ҳақида изланишлар олиб бордим ва «Тангрининг черкови» номли Олий Мактабда 9 йил таълим олдим. Ниҳоят поп бўлиб чиқдим. Сао Паулодаги энг илмли поп бўлганим учун бир йўла бешта черковнинг бошқарувини менга топшириб қўйишганди.

– Қандай қилиб мусулмон бўлдингиз?

– Черковга келган инсонларга ваъз қилардим. Ваъзларимда ҳар доим дунёдаги энг ҳақ дин христианлик эканлигини, Ийсо Масиҳга иймон келтиришлари ҳақида гапирардим. Бир кун ваъзларимни эшитган бошқа бир поп ҳузуримга келди ва: «Биз инсонларга энг кўп қизиқиш кўраётган дин христианлик деймиз, аммо статистика бундай демайди. Энг кўп қизиқиш кўраётган дин Ислом дини ва у тез ёйилмоқда», – деб қолди. Мен ҳам унга: «Дунёнинг энг катта муаммоси Ислом бўлса, қандай қилиб у тез тарқалсин!» – дедим. У эса: «Янглиш фикрдасан, мусулмонлар ёмон инсонлар эмас, улар бир кунда беш маҳал намоз ўқийди», – деди. Мусулмонларнинг бир кунда беш маҳал намоз ўқишини эшитиб ҳайратландим.

– Нимаси ҳайратланарли?

– Мен бир поп бўлиб туриб бир кунда беш маҳал Тангрига юзланмайман, ҳафтада бир кун черковда ибодат қиламиз, улар оддий мусулмон бўлса қандай қилиб беш маҳал Тангри қаршисига чиқади?

У танишим: «Яна мусулмонлар бир йилда бир ой





рўза тутади», – деди. Мен бўлсам, бешта черковнинг бошқарувчиси бўлишимга қарамай, бир йилда уч кунгина рўза тутар эдим. Яна мени ўйлантириб қўйган нарса мусулмонларнинг фақир, етим ва беваларга ёрдам беришлари, эҳсонлари бўлди.

Бошқа бир куни эса бир танишим қизидан шикоят қилиб келди. Қизи христианликдан чиқиб мусулмон бўлган экан, мендан қизи билан гаплашиб, уни йўлидан қайтаришимни илтимос қилди. Мен ҳам мусулмонларнинг камчиликларини топиб, у қизга Исломни ёмон кўрсатиш мақсадида мусулмон жамоатларининг ичига киришга аҳд қилдим. Сао Паулодаги Лотин Америка Ислом Марказига бориб у ердаги мусулмонларга Ислом билан боғлиқ маълумотлар олмоқчи эканлигимни айтдим. Марказ мудири: «Исломнинг қайси жиҳати сени қизиқтиради», – деб сўради. «Ҳамма жиҳати», – дедим. У мени масжидга олиб борди. 46 ёшга келиб умримда биринчи марта масжидга кирдим. У ерда Билол исмли бир бразилиялик мусулмон билан танишдим. У менга Исломни англата бошлади. Мени даҳшатга туширган нарса тавҳид тушунчаси бўлди. Чунки туғилганимдан бери Тангри учта деб келган кишилардан бириман, ахир. Қандай қилиб Тангри тек ва Ягона бўлиши мумкин дердим ўз ўзимга. Ундан Ийсо Масиҳ ҳақида сўрадим. «Ийсо алайҳиссалом бир пайғамбар ва ҳар бир мусулмон уни

яхши кўради», – деди. У менга «Қуръон, Инжил, Таврот изланишлари» номли китобни совға қилди. Китобни олиб уйга келдим. Уч кеча-кундуз уйдан чиқмасдан у китобни ўқиб чиқдим. Китобда Қуръон, Инжил, Тавротдан далиллар келтириб тавҳид тушунчаларининг Қуръонда тўпланганлиги ҳақида баҳс этилганди. Шундан сўнг дуо қилишга тушдим. Роббимга: «Мени Ийсо Масиҳнинг ҳақ динига етиштир», – дер эдим. Аллоҳ мени эшитди, Ислом ҳақидаги шубҳаларим чанг-тўзон каби тарқалди-кетди. Оиламни бир жойга тўпладим ва: «Мусулмон бўлдим», – дедим.

– Қандай қабул қилишди?

– Бошимга балолар ёғила бошлади, табиий. Хотиним: «Сен ростдан ҳам мусулмон бўлдингми?» – деди. «Ҳа», – дедим. У эса: «Бугундан бошлаб сенинг хотининг йўқ, мен бир террористга хотин бўлолмайман, уйни тарк килишинг мумкин», – деди. Мен ҳам уйдан кетдим. Онамникига бордим, онам мусулмон бўлганимни эшитиб: «Сендек ўғлим йўқ», – дея уйидан чиқариб юборди. Мени яхши кўрадиган бир опам бор эди. Уникига кетдим. Опам: «Сенинг исмингни ҳам эшитишни истамайман, даф бўлиб кет», – деб қувиб юборди. Ёп-ёлғиз кўчада қолиб кетдим. Кейин Лотин Америка Ислом Марказининг масжидига бордим ва у ерда нақ саккиз ой ётиб юрдим.

Буларнинг ҳаммаси бир имтиҳон эди, саккиз ойдан





кейин ҳаётим изга туша бошлади, бир уйни ижарага олдим. Хотинимнинг отаси қизига: «Эрингнинг эътиқодига аралаша олмайсан, биз учун сен аҳамиятлисан, сен динингни ўзгартирмасдан христианликда қолсанг бўлди, эринг билан яраш», – дебди. Биз ярашдик. Оиламга Исломни англатишга тушдим. Вақт ўтиб ҳаммаси мусулмон бўлди.

– Черковдагилар қандай қабул қилишди?

– Мусулмон бўлган куним черковдан кетган эдим. Поп бўлган ўртоқларим мени учрашувга таклиф қилишди. Тўққиз кишилик поплар гуруҳи Бразилиянинг шимолидаги энг катта христиан олимини олиб келишди. «Ҳар ойдаги маошингдан ташқари сенга яна 6 минг доллардан маош бериб борамиз, бу йўлдан воз кеч!» – дедилар. Қабул қилмадим. Улар менга: «Тўрт савол сўраймиз, агар жавоб бера олмасанг, черковга қайтасан», – дейишди, мен ҳам: «Бўпти», – дедим. Икки ракат намоз ўқидим ва Аллоҳга: «Поплар қаршисида мени мағлуб қилма», – дея дуо қилдим.

Улар сўрашди: «Нега мусулмон бўлдинг?»

«Ягона (учта бўлмаган) Аллоҳни топдим, шунинг учун мусулмон бўлдим», – дедим. Мен ҳам бош руҳонийдан сўрадим: «Мен барча пайғамбарларга ишонганим учун мусулмон бўлдим, сен ҳам пайғамбарларнинг ҳаммасига ишонасанми?» У ҳам: «Ҳа», – деди.

«Аммо бугунги христианлик ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни рад қилади, шундай эмасми?» – дедим. У: «Тўғри», – деди. У билан бирга келган гуруҳ аъзолари поп билан урушиб кетишди. «Биз сени буни Исломдан қайтар дея олиб келдик, аммо сен унинг гапларини тасдиқлаб ўтирибсан!» – дейишди. Улар мағлуб бўлган эди.

– Ислом ва христианлик орасидаги фарқлар нималар?

– Ислом олимлари Муқаддас Китобнинг 51 жойида хато бор дейишади. Аммо бу тўғри эмас, Китобнинг етмиш фоизи хато, ўттиз фоизига ишонса бўлади. Исломнинг ичида эса бир-бирига зид ҳеч нарса топа олмайсиз.

– Мусулмон бўлгандан кейин ҳажга борибсиз, Каъбани илк кўрганда нималарни ҳис қилдингиз?

– Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари ёнидан ўтаётган эдим, қўлимни осмонга кўтариб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз Исломни олиб келганингизда Сизнинг пайғамбарлигингизга ишонмаган эдилар. Мен бу ердан ҳайқирмоқдаман. Валлоҳи, биллаҳи! Сиз Аллоҳнинг бизга жўнатган охирги Набийсисиз!» – дея бақирдим.

Каъбанинг ёнига келганимда унга салом бердим. Ўзи Иброҳим алайҳиссаломни севар эдим. Расулуллоҳга кўп салавот айтдим. Мусулмон бўлган кунларимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни тушларимда кўп кўрар





эдим. Юзларига қарай олмасдим, кўзим қамашиб кетарди, португалча тилда саволлар сўраган эдим тушларимда.

– Сиз бир даъватчисиз. Бразилияга Исломни ёйишни мақсад қилиб қўйгансиз. Бу иш қандай давом этмоқда?

– Бразилиянинг 28 та вилоятидан 26 тасини айланиб чиқдик. Бразилияликларга Исломни танитмоқдамиз. Лотин америкаликлар Ислом ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига маҳкам ёпишмоғимиз лозим, ўшандагина Ислом яна кучланади.

## БРАЗИЛИЯЛИК ПСИХОЛОГ

«Ислом, ҳақиқатан, муҳташам бир дин. Ислом бутун кучини Аллоҳнинг оятларидан ва мукаммал инсон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан олган. Ислом бизни ўраб, кучоқлаб турибди ва биздан фақатгина танлов кутади, холос. Бундан кейин мен ўқишда бошқа, ишда бошқа, кўчада бошқа, оилада бошқа бири эмас, Аллоҳ ва Расули мендан қандай бўлишимни истаган бўлса, ўшандай бўлишга ҳаракат қилаётган Аҳмад Гарсиаман».

Тинглаган ҳикояларим орасида энг таъсирлиси қуйидаги – бразилиялик Аҳмад Гарсианинг ҳикояси эди. Ҳақиқатни топиш учун у бир саёҳатчи каби йўлга чиққан ва қутбларгача боради. Шимолий Қутбда Мапучада халқи билан икки ярим йил бирга яшайди. Кейин эса Амазон ўрмонларида ерли халқ билан яшай бошлайди. Унинг мусулмон бўлишига Қуръон сабаб бўлган. Қуръонни ўқишга бошлаганимда, «Бу китоб мен учун ёзилган!» – дея ҳайқиргандим дейди у. Бразилиялик психолог узоқ изланишлардан кейин мусулмонларни яқиндан таниш учун Истанбулга келади. Энг гўзал кунларини Истанбулда яшайди ва бир турк қизига уйланади.

– Сизни ўтмишга олиб кирмоқчиман. Қандай муҳитда





улғайдингиз? Қандай шароитлардан ўтиб, Исломгача етиб келдингиз?

– Лотин Америкаси ўлкалари, одатда, христианликнинг католик мазҳабига эътиқод қилади. Мен ҳам католик бир оилада катта бўлдим. Бразилияликларнинг шиори: «Ҳар бир яхши оиладан, албатта, бир руҳоний чиқиши керак!» – деган шиор эди. Бизнинг оиламиз ҳам ашаддий диндор бўлиб, мен оиланинг ёлғиз ўғли эдим. Ҳамма мени муҳаққақ руҳоний бўлади деб ўйларди. Болалигимдан: «Руҳонийлар Ийсо Масиҳнинг ёрдамчиларидир», – дея миямга қуйишарди.

Саккиз ёшда эдим. Доминигуа черковига қарашли мактабга ўқишга беришди. Фикрлайдиган бола бўлганим учун ўша пайтдаёқ католик мазҳабидаги баъзи тақиқлар менда христианлик ҳақида шубҳалар уйғотиб қўйди. Мендан икки ёш катта самимий бир ўртоғим бор эди. У ҳам бу мактабда ўқиганди, мактабни тугатиб черковда ишлай бошлади. Аммо кўп ўтмасдан у черковдаги ишини ташлаб кетди.

«Черковдан нега кетдинг?» – деб сўраганимда, «У ерда жуда ёмон ҳодисалар бўлади, одамлар бундан бехабар», – деди. Яна: «Черковда яшаб кўрганларимни ҳеч кимга айта олмайман, шуни билки, руҳонийлар яхши одамлар эмас. Ҳамма нарса ёлғон», – деб қўшимча қилди. Руҳонийлар ва католик мазҳаби ҳақидаги шубҳаларим

янада катталашди. Иккиланишлар ичида руҳонийлик мактабини тарк этдим.

– Ундан кейин янги ҳаёт тарзингиз қандай кечди?

– Футбол ўйнардим, қизлар билан юрдим, спиртли ичимликлар ича бошладим. Янги ҳаётимда дин учун жой қолмаган эди. Кейин эса инглиз тилини ўрганиш учун Америкага кетдим. Америкада яшаган ҳар кунимда гуноҳлар ичида суздим, хаёлингизга келиши мумкин бўлган ҳар қандай жиноятни синаб кўрдим. Ўн ойдан кейин юрагимда гуноҳларимдан, ўзимдан нафратланиш ҳисси пайдо бўлди. Бразилияга қайтиб келиб университетнинг психология бўлимига ўқишга кирдим. Ўқиш давомида маънавий бир кучга эҳтиёж сеза бошладим. Буддизмга оид китобларни ўқишга киришдим, буддизм менга жуда ёқди. Ва буддист бўлдим. Уч йил энг яхши буддист бўлиб яшадим. Фақат университетни битириш кечасидаги воқеалар ҳаётимга ўзгартириш киритиш нуқтасига келганлигимни сўйларди.

– Нима эди у «нуқта»?

– Битириш кечасида менга сўз беришди. Минбарга чиққанимда ҳаммага бир-бир қараб чиқдим. Ҳар бирининг қўлида ичкилик тўла қадаҳ ва мамнун ҳолдалар. Қувватли бир шаклда ичимда бир ҳис: «Сен бу инсонларга, бу шаҳарга, бу ҳаётга оид эмассан, Тангрини излаб топишинг керак», – дер эди гўё. Ҳеч сўз айтмасдан минбардан тушиб,





у ердан чиқиб кетдим.

Уйга келдим. «Ҳақиқатни қидираман, Яратувчини топаман!» – деб аҳд қилдим. Аммо қандай қилиб? саёҳатга чиқаман ва қаерга борсам, ўша ерлардан Уни қидираман деган фикрга келдим. Иккита сумкамни зарур нарсаларим билан тўлдириб, уйдан чиқиб кетдим.

Саёҳатим давомида бир дарбадар билан танишдим. У менга: «Аввал Чилига, кейин эса Жанубий Қутбларга бормоқчиман, истасанг, менга ҳамроҳ бўл», – деди.

Дарҳол йўлга отландик, пулимиз йўқлиги учун йўловчи машиналарга миниб кетардик. Асосан, юк машиналарининг орқасида кетдик.

Олтмиш тўққиз кун деганда Жанубий Американинг энг жанубидаги Мапучада ҳудудига етиб келдик. Мапучада халқи табиий ва содда ҳаёт кечирарди, улар билан яшай бошладим. Излаган нарсамни шу ердан топаман деб ўйладим.

– Қутбларда ҳаёт қандай? Кузатувларингизни ўртоқлаша оласизми?

– Улар мени ҳақиқий қондошлари каби қабул қилишди. Мапучадаликлар тараққиётдан узоқда, электр йўқ, аммо сира ёлғон гапирмайдиган халқ эди. Ўрмондан ўтин тўплаб келардик, уларни ёқиб исинар эдик. Ҳаво жуда совуқ эди. Шунга қарамасдан Қутбларда яшаган даврим энг фойдали кунларим бўлди.

Ҳар доим ўзимга ўзим савол берардим. «Агар бир Яратувчи бўлса, у қаерда?» – дер эдим. Уч йилдан кейин Бразилияга қайтиб келдим. Бошқа бир ўртоғим билан Амазон ўрмонларига кетишга қарор қилдим.

– Нега энди бундай қарорга келдингиз?

– Ўртоғим Амазон ўрмонларида яшайдиган инсонлар ҳақида тадқиқот олиб бораётганди. Унга ҳамроҳ бўлиб кетдим. Кетишдан аввал – туғилган кунимда, бир ўртоғим: «Амазонда вақтинг кўп бўлади, балки ўқирсан», – дея бир китоб совға қилди. «Қидирган нарсангни балки шу китобдан топарсан, бу мусулмонларнинг китоби – Қуръон», – деганди.

– Қуръон совға қилган дўстингиз мусулмон эдими?

– Йўқ, мусулмон эмас. У менинг изланишларимдан хабари борлиги учун Яратувчини шу китобдан топарсан дея менга совға сифатида сотиб олган экан. Ўзи ўқиб ҳам кўрмаганди. Эртаси куни йўлга чиқдик. Ниҳоят, Амазонга ўрнашдик.

– У ерларда ҳаёт қандай? Ерлик халқнинг ҳаёт тарзидан гапира оласизми?

– Ҳаётлари жуда ибтидоий, аммо ҳаммаси ҳузур-ҳаловатли инсонлар. Чақмоқтошлар билан олов ёқади, ёввойи ҳайвон овлаб, гўштини еб кун кечиради. Тупроққа ва табиатга зарар бермайди, бир-бирини яхши кўриб ҳамдардлик қилишарди. Вақтим мўл бўлгани учун дўстим





берган китобни очдим. Илк «Ҳамд оламларнинг Робби бўлган Аллоҳникидир!» оятини ўқидим. Ва ҳайратлар ичида бўғилдим. Қидираётган нарсамни топгандим, бу оятни такрор-такрор ўқийвердим. Қуръон мени сеҳрлаб қўйганди.

– Нимаси сеҳрлаб қўйганди?

– «Ҳамд оламларнинг Робби бўлган Аллоҳ учундир». Бу оят бутун ҳаётимни ўзгартирди. Яратувчи Ким? Бу савол мени энг қийнаган савол эди. Бу оламни яратган ва ҳамма нарсани тартиб билан иншо қилган бир Яратувчи бўлиши керак-ку дер эдим доим. Бу оятни ўқиганимда: «Оламларни Робби бўлган Илоҳ шу – мен қидираётган Яратувчи!» – дедим. Бу Китобнинг илк ояти бу қадар сеҳрли бўлса, ичи қандай экан дея ўқишга тушдим. Баъзи оятларга келганимда овоз чиқариб йиғлар эдим. Менинг бунчалик кўп гуноҳларимга қарамай У менга Китобини ўқиттираётган эди. Мусулмон бўлишга аҳд қилдим, аммо қандай мусулмон бўлишни, қандай ибодат қилишни билмасдим.

– Амазондан кетдингизми кейин?

– Йўқ, дарров кетмадим. Бир кинода мусулмонларнинг ибодат шаклини кўрган эдим. Мен ҳам ўрмоннинг ичкарисига кириб, вақтларини билмасам ҳам ўша кинодагилар каби сажда қилиб-қилиб кела бошладим. Бир кун тушимда: «Лаа илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун

Расулуллоҳ», – дея гапириб уйғондим. Маъносини билмасдим, албатта.

Бошқа бир кун ўрмондан келиб тургандим, почта келди. Бошқа бир дўстим, албатта, у ҳам мусулмон эмас, менга китоб жўнатганди. Китобнинг исми «Ҳазрат Муҳаммаднинг ҳаёти» эди. Буларнинг ҳеч бири тасодиф эмасди. Аллоҳ ҳар хил йўллар воситасида менга Исломни ўрган дея ёрдам бераётганди. Кейин Исломни ўрганиш учун Туркияга боришга қарор қилдим.

– Турклар сизни қандай қабул қилди?

– Истанбулга келганимда жуда яхши инсонларга дуч келдим. Мусулмонларнинг ҳаммаси Истанбул мусулмонлари каби яхши инсонлар деб ўйлардим. Истанбулга келганимнинг эртаси куни ғалати бир ҳодисага гувоҳ бўлдим.

– Нима экан у?

– Ичи одамлар билан тўла автобусга миндим. Шофёр орқа эшикни очди, ҳаммамиз у эшикдан миндик. Бепул кетар эканмиз-да деб ўйлаб тургандим, ҳамма чўнтагидан пул чиқариб қўлма-қўл қилиб, шофёрга узатди. Яна қўлма-қўл пулларнинг қайтими ҳам қайтиб келди. Ўша кун мен мусулмон бўлганлар билан мусулмон бўлмаганларнинг фарқини англадим. Дунёнинг ҳеч бир жойида бундай ҳолатни кўрмаган эдим. Мусулмонларнинг бировнинг ҳаққига эътибор қилишлари мени тўлқинлантирган эди.





– Турклар сизга қандай муносабатда бўлди?

– Баъзилари хаёт ҳикоямни эшитганида йиғлашга тушарди. Улар мени уйлантириб ҳам қўйишди. Ҳатто бир турк мени ўз ҳисобидан умрага олиб борди. Ҳар куни бир турк меҳмонга чақирар эди. Нақ йигирма килога семириб кетдим. Мен мусулмончиликни Амазондан қидирибман, ваҳоланки, уни менга Истанбул ўргатди.

Кечқурун Истанбулга кириб келгандим. Эрталаб ҳар тарафни бомдод намозининг азонлари тутиб кетди. Лол бўлиб қолдим. Биринчи марта бунча кўп азонни айни онда эшитаётгандим. Уй эгаси билан масжидга чиқдик, имом «Ҳашр» сурасини ўқиди. Маъносини билмасам ҳам роса йиғладим.

Бешинчи қисм

## ИСЛОМДАН ҚОЧИШ

Асли ямайкалик бўлган, аммо Англияда туғилиб ўсган Билол Бровн мусулмон бўлишдан аввал ашаддий жиноятчи эди. Наркобаронликдан тортиб машина ўғирлашгача бўлган ҳар қандай жиноятни қилган. Унинг ҳаёти худди бир фильмга ўхшайди.

Мусулмон бўлишдан аввалги исми Клиффорд Бровн эди. У мусулмон бўлгач, яна тўққиз кишининг Исломга киришига сабабчи бўлган эди.

«Мен наркотик савдосидан кўп пул топардим, жуда бой эдим. Бирдан ҳамма нарсадан воз кечиб, мусулмон бўлишимни атрофимдаги яқинларим ғалати қаршиладилар. Аммо бунга энг кўп севинган инсон онам бўлди. Онам доим: «Агар бу дин сенингдек одамни ўзгартира олган бўлса, демак, ҳақ дин экан», – дерди. Мени қоп-қора жиноят дунёсидан олиб чиқиб ҳидоятга қовуштирган Аллоҳимга ҳамд бўлсин!»

Билол ҳозирда ўзи каби кейинчалик мусулмон бўлган инглиз аёлга уйланган. Аёли билан бирга мадрасада таълим олмоқда.

– Наркотик савдоси ичига қандай қилиб тушиб қолган эдингиз?





– Олтхемда яшар эдик, оиламиз фақир бир оила эди. Олтхем Англиянинг хавфли бир раёни. Бу ерда асосан инглиз бўлмаганлар ва энг хавфли гангстер (буюртма билан одам ўлдирувчи, қиморбоз)лар, машина ўғрилари ва наркобаронлар яшайди. Олтхем жиноятчи тўдаларнинг тўпланадиган жойи ҳамдир. Ҳар куни бир жанжал, жиноят полиция билан тўқнашувлар бўлиб турарди. Ҳатто инглиз полицияси ҳам Олтхем кўчаларига киришга қўрқар эди.

Менинг Олтхемдаги ўртоқларим, асосан, покистонликлар эди. Улар ҳам менга ўхшаган наркоман болалар эди. Кокаинни 16 ёшимда бошлагандим. Лицейни тугатгач бир жиноят тўдасига қўшилиб, бирга наркотик сота бошладим.

Барбод бўлган ҳаётим бор, аммо пулим кўп эди. Гуруҳимиздаги покистонликлар наркотикни Афғонистондан келтиришарди. Гуруҳимиз вақт ўтиб каттариб, халқаро наркотик бозорига чиқиб олди. Энди Англияни ичидагина эмас, бошқа давлатларга ҳам сота бошладик. Инглиз полицияси бир операцияда бизни қўлга туширди. Гуруҳдан 5 киши қамоққа кирдик.

– Америка ва инглиз қамоқхоналарида баъзан маҳкумларнинг Исломга қизиқиб, мусулмон бўлганлиги ҳақидаги хабарларни эшитар эдик. Сизни кўзингиз ҳам ўша ерда очилдими?

– Бу хабарлар тўғри. Аммо мен қамоқда атиги бир

ойгина бўлдим, кейин чиқиб кетдим. Жиноят содир қилардим, аммо орқамда из қолдирмасдим. Ташқарида ўзим таниган бир нечта наркобаронни у ерда ҳам кўрдим. Ҳатто биттаси мусулмон бўлганди, ҳаёти умуман ўзгариб кетганди. Бир ой ётганимда жуда кўпчиликнинг қўлида Қуръон кўрдим. Мендан катта акам ҳам энг хафвли гангстер эди. Бир кишини ўлдириб, уч кишини ярадор қилиб, қамоққа кирди ва у ерда мусулмон бўлди. Исмини Абдулҳақ дея ўзгартирди. Аммо Ислом билан боғлиқ ҳеч нима мени қизиқтирмади, тезроқ бу ердан чиқиб, наркотик савдосини қолган жойидан давом эттириш ҳақида ўйлар эдим.

– Наркоманлар дунёси ҳақида бироз гапириб берасизми?

– Героин инсонга бошида бироз завқ беради, аммо кейин улкан изтиробларни олиб келади. Бунинг фарқига борган куним чекишни ташладим, ўзим чекмай қўйдим, аммо сотар эдим. Чекувчи бир-икки марта олганидан кейин дунё билан алоқасини бутунлай узади. Миясида қандай қилиб героин топсам бўлади деган хаёлдан бошқа дунёга оид ҳеч нарса бўлмайди.

– Фақат сотар эдим дедингиз. Чекувчиларнинг изтиробли ҳолатларига гувоҳ бўлганингизда виждонингиз қийналармиди?

– Йўқ, виждоним қийналмасди, чунки ўша





пайтлар инсонга хос хусусиятларимни йўқотган эдим. Инсонларнинг менинг назаримда умуман қиймати йўқ эди, фақат пулимни кўпайтириш ҳақида ўйлар эдим. Аллоҳимга ҳамдлар бўлсинки, У мени нотўғри тушунча ва чиркин ҳаёт ичидан тортиб олиб, ҳидоятга эриштирди.

– Исломга қачон, қандай қизиқиб қолдингиз?

– У вақтлар ҳар кун ҳар хил аёллар билан маишат қилардим, машиналарнинг энг охирги маркаларини миниб юрардим. Бу ҳаёт узоқ вақт менга жозибали кўринди, аммо кейинчалик ичимда баҳайбат бир бўшлиқ пайдо бўлди.

– Кейин нима бўлди?

– Малколъм Х.нинг ҳаёти ҳақидаги киносини кўриб қолдим. Кинонинг таъсиридан чиқа олмадим, унинг мухлисига айландим. Менда Ислом қоратанлилар учун, христианлик эса оқтанлилар учун деган фикр пайдо бўлди. Чунки инглизларни ёмон кўрар эдим. Ўз навбатида улар ҳам бизни ёмон кўрарди ва камситар эди. Кейин «Wu Tang Clad» гуруҳининг поп мусиқаларини эшитишни одат қилдим. Гуруҳ аъзолари мусулмонмиз дейишарди, аммо ирқчи қарашлари бор эди. Покистонлик ўртоқларимдан бири христианликни тарк қилиб, мусулмон бўлган Аҳмад Дийдотнинг кассеталарини берди. Бу кассеталарни эшитгач, мен ҳам христианликдан чиқдим.

– Кейин наркотик сотмай қўйдингизми?

– Йўқ, сотавердим. Аммо изланишда давом этдим. Покистонликлардан саволларимга жавоб беришларини сўрардим, улар биз мусулмонмиз дейишарди-ю, аммо Исломга доир ҳеч қандай билими йўқ эди. Бири менга Қуръон китобини берди-да: «Ол шуни, ичида саволларингга жавоб бор», – деди. Илк суралардан «Фотиҳа» ва «Бақара» сураларини ўқиб чиқдим. Жуда таъсирландим.

– Сизни таъсирлантирган нима эди?

– Қуръон ўқиган киши шуни англайдики, Аллоҳ у билан «гаплашмоқда». Ҳар бир оят бир «СМС» эди гўё. Ичимга буюк бир қўрқув кирди. Катта-катта гуноҳлар қилгандим. Қуръон у гуноҳларимни олдимга ёйиб қўйди. Кейин қўрққанимдан Қуръон ўқимай қўйдим. Қуръондан коча бошладим. Икки йил умуман узоқлашдим, Исломга қизиқишдан ҳам қўрқардим.

– Қандай қилиб мусулмон бўлдингиз унда?

– Бир кун покистонлик ўртоғимнинг уйида тўпланиб, эртанги сотиладиган наркотикларни пакетлаётган эдик. Эшик жиринглаб қолди. Дарҳол пакетларни яширишга тушдик. Кейин эшикни очдик. Усмон исмли бизни умуман танимайдиган бир йигит экан. У бизга: «Эртага масжидда суҳбат бўлади, ўшанга сизларни таклиф қилиш учун келдим», – деди. «Мен бормайман, ким борса борсин», – дедим. Аммо Усмон қаттиқ илтимос қилди.





Унинг сўзини ерда қолдирмаслик учун бордим. Суҳбатни тингладим. Суҳбатдан кейин бундан сўнг Исломдан коча олмаслигимни ва мусулмон бўлишим кераклигини тушуниб етдим.

Яна Қуръон ўқий бошладим аммо ичимдаги қўрқув ҳам каттариб борарди. Фақат Аллоҳ гуноҳкорларни афв қилади деган оятларни ўқиганимдагина тинчланардим. Мусулмон бўлишга қарор бердим-у, аммо ҳали бу ишга тайёр эмасдим.

– Нима учун?

– Чунки Ислом ахлоқига бутунлай зид бир ҳаёт ичидаман, буни қандай ўзгартираман деб ўйлардим. Ҳеч қанча вақт ўтмади, гуруҳимизга ҳужум бўлди. Мен ва икки кишидан ташқари ҳамма қамалди. Биз ҳам маълум муддат сотмай турамиз дедик. Вақтим бемалол бўлиб қолгани учун суҳбатларга қатнай бошладим. Мени қийнаган саволларимга бирма-бир жавоб олаётган эдим. Ниҳоят мусулмон бўлдим. Кейин эса тасаввуфга қизиқиб қолдим. Шайх Ҳабиб билан танишиб Сомония тариқатига кирдим.

– Биринчи марта эшитдим. Шунақа тариқат ҳам борми?

– Ҳа, Яман ва Африкада машҳур бу тариқат.

– Нега энди тариқатга эҳтиёж сездингиз?

– Жуда расво бир ҳаётдан чиқиб келдим. Руҳим кирли эди. Тасаввуф ёрдамида нафсим билан мужодала қилишни

ўргандим. Тасаввуф хаста руҳимнинг табиби бўлди ва ички дунёмни кашф қилишимга сабаб бўлди. Қалб касалликларининг ҳақиқий шифоси ҳам Қуръон ва суннат асосида яшашдир.

– Исломнинг қайси жиҳатини севдингиз?

– Мусулмонларнинг биродарлик тушунчасини севаман. Биродарлик боғи қариндошликдан ҳам устундир. Мусулмон бўлганимдан кейин арабча ўрганиш учун Яманга бордим. Яманнинг жанубида Ҳадра Мавт деган жой бор. У ернинг халқи бутунлай Исломда яшайди. Тўғри, жуда фақир, аммо динларига содиқликдан бошқа нарса кўрмадим.





**Олтинчи қисм**

## СОБИҚ МИССИОНЕР МАЙСАРА

У христиан бир миссионер эди, кейин мусулмон бўлиб, исмини Майсарага ўзгартирган. Асл исми Ковита Туслин. Мен у билан Клантандаги «Ислом ва даъват» институтида танишгандим. Бу институтда, асосан, аввал бошқа динларга мансуб бўлиб, кейинчалик Исломни қабул қилганлар таҳсил олади. Институтда ўқиш 4 йил, битирганлар даъватчи бўлиб чиқади.

Институт талабаларининг орасида эски поплар, буддизм роҳиблари бор эди. Институтнинг энг аҳамиятли тарафи минглари бошқа динга мансуб бўлган инсонларнинг Исломга киришига сабабчи бўлиши эди.

Қуйида сиз, бу институтда ишлайдиган Майсара хонимнинг ҳикоясини ўқийсиз.

– Бир миссионер қандай қилиб мусулмон бўлди?

– Малайзиянинг шарқидаги Сандакан шаҳрида туғилганман. Оиламизда ҳамма христиан эди. Мен ҳам лицей давридаёқ христианликни ёйиш учун шиддатли тарзда ҳаракат қиладиган католик бир даъватчи эдим. Энг буюк орзуим дунёда яшаётган инсонларнинг ҳаммасини Ийсо Масиҳга ишониб христиан бўлишини кўриш эди. Аммо Аллоҳ менга марҳамат қилди, ҳақиқатни топдим, 1999 йилда мусулмон бўлдим. Бизнинг лицейда турли

динга мансуб ўқувчилар ўқир эди. Бизнинг бир гуруҳимиз бор эди, гуруҳ ҳолида лицейдаги ҳиндуизм, буддизм ва Исломга ишонган ўқувчиларни христиан бўлиши учун ҳаракат қилар эдик.

– Қандай ҳаракат? Атрофдагиларни христианлаштиришнинг қандай йўлларини биласиз?

– Даъватларимизни Сандакандаги машҳур руҳонийлар назорати остида олиб борар эдик. Бизга черковда даъватчилик таълими берилардди. Бирор кишининг христиан бўлишини хоҳласак, аввало, у билан дўст бўлиб унинг ишончига кириб олардик. Кейин уларни черковга олиб борардик, қолган ишларни руҳонийларимиз ҳал қиларди.

– Христианликка чақирмоқчи бўлган инсонларни қандай танлар эдингизлар?

– Унчалик ҳам диндор бўлмаган ва иккиланишда юрганларни танлардик асосан. Бунинг учун ҳар хил байрамлар ва ўйин-кулги маросимлари ташкил этар эдик.

– Исломга кириш тарихингизни эшитишни хоҳлардим.

– Мусулмон бўлишдан аввал ҳам Ислом ҳақида баъзи маълумотларга эга эдим, охирги пайтларда бу билганларимнинг янглиш эканлигини англай бошладим. Христиан бўлсам-да, Исломни, буддизм ва ҳиндуизмдан устун, кучли эканлигини билардим. Лицейдаги мусулмонларни христианлаштириш учун жон-жаҳдимиз





билан ҳаракат қилардик. Бироқ менда уларга нисбатан бир симпатия бор эди, буни ҳеч кимга айтмасдим. Даъватчи бўлганимиз учун Инжил билан Қуръонни солиштириб ўқишга мажбур эдик. Қуръонни ҳар ўқиганимда «Марям» сурасидан таъсирланар эдим. Қуръонни илоҳий китоб эканлигига ишона бошладим. Яна Қуръонда, «Агар сиз Аллоҳнинг динига ёрдам берсангиз, Аллоҳ ҳам сизга ёрдам беради» деган маънода оят бор. Бу оят ҳеч хаёлимдан кетмай қолди.

– Кейин мусулмон бўлдингизми?

– Лицейнинг охирги курсида эдим. Лицейнинг масжиди бор эди, аммо бир марта ҳам кирмаган эдим. Бир куни, қани, улар қандай ибодат қилар экан деб масжидга кирдим-да, бир бурчакда ўтириб кузата бошладим. Сажда қилганларини кўрганимда дилдан сажда қилишни истадим. Масжиддан чиқиб, тўғри уйга келдим, устимдан қулфладим ва сажда қилдим. Ҳар саждада йиғлардим.

Эртаси куни Комакинабалидаги Ислом марказига бориб, мусулмон бўлишим учун менга ёрдам беришларини сўрадим. Ва мусулмон бўлдим. Шайх Басмийнинг «Раҳмон» тафсирини сотиб олдим. Тафсирни ўқиб тугатганимда зеҳнимдаги Ислом билан боғлиқ ҳеч бир савол қолмаганди.

– Оилангиз қандай қабул қилди?

– Мусулмон бўлганимни 5 йил давомида оиламдан

яшириб юрдим.

– Буни қандай уддаладингиз?

– Агар уйимдагилар билса, отам мени оқ қилар ва уйдан ҳайдаб юборар эди. Беш йил давомида рўмолимни фақатгина хонамнинг ичида ўрадим, яширинча намоз ўқидим. Беш йилдан кейин буни ошкор қилдим ва кутганимдек бўлди. Отам хонамга бостириб кирди-да, Исломга оид нима бўлса, китобларим, рўмолларим, жойнамозим, ҳаммасини тўплаб ёқиб юборди. Мен ҳам бу босимга чидай олмадим ва уйдан чиқиб кетдим. Куала Лумпурга келиб бир мусулмон оилада яшаб юрдим. Кейин Клантандаги «Ислом ва даъват» институтига ўқишга кирдим.

Институтда 4 йил таҳсил кўрганимдан кейин малайзиялик мусулмон бир йигитга турмушга чиқдим. Уч нафар фарзандим бор. Ҳозирда шу институтда ишламоқдаман.

– Сиз ҳам христиан, ҳам Ислом даъватчиси сифатида таълим олгансиз. Бу икки дин орасидаги фарқни тушунтира оласизми?

–Исломинсонҳаётидаҳечбирбўшлиққолдирмайдиган даражада мукаммал диндир. Христианлик эса бўшлиқлар билан тўла. Таслис инончи бутун христианларнинг қалбидаги бир шубҳадир. Черковлардаги руҳонийларнинг ҳеч бири таслис билан боғлиқ саволга жавоб топиб бера





олмайди. Христианлик уч илоҳга чақиради, Ислом эса ягона Илоҳга...

– Сиз ўқиган институтни битирганлар даъватчи бўлиб чиқишади. Сиз ҳам даъватчи бўлиб етишдингиз. Бу фаолиятингиз давомида сиз ҳам инсонларнинг Исломга киришига сабабчи бўлдингизми?

– Ҳа, сингилларимнинг ҳаммаси мусулмон бўлишди. Ота-онам эса йўқ, уларни ҳам мусулмон бўлишини жуда хоҳлайман ва кўп дуо қиламан. Биз бошқа динлардаги инсонларга Исломни таништиришимишиз керак. Мен Исломга ошиқман. Рамазонни севаман. Рамазон бизнинг бир йил ичида назоратдан чиқиб кетган нафсимизни тартибга солиб қўяди. Ҳижобни севаман, ҳижоб мени ёмон қарашлардан қўриётганини ҳис қиламан.

Еттинчи қисм

## 11 СЕНТЯБРЬДА КЕЛГАН ҲИДОЯТ

Ислом ҳақида изланишлар олиб борар эканман, Лотин Америкаси қитъасида яшаганлар диққатимни тортди. Охирги йилларда Ислом энг кўп ёйилган жой Лотин Америкаси бўлиб чиқди. Уларни Исломга бўлган бу катта қизиқишларининг сабабини қидирдим ва қуйидаги хулосаларга келдим:

1. Исломни бугунги кунда дунёга ҳоким бўлиб турган адолатсиз бошқарувга қарши исён деб билишади.

2. Баъзилари аждодларимиз арабларга, Андалус Умавий Давлатига боғлиқ деб ўйлаб исломий изланишлар олиб боришади. 1990 йилдан кейин бу қитъада интернет воситаси ила даъват, Исломий журналлар, Ислом марказларининг фаолияти сабаб Исломни қабул қилишлар кўпайган.

Лотин америкалик мусулмонлардан бири бразилиялик Абдуллоҳ Зоҳиддир. Асл исми Ара Кристиона Летикиа эди. У Сао Пауло шаҳрида адвокат эди.

«Модерн ҳаётдан зерикиб Амазон ўрмонларига кетиб қолгандим. Менинг Исломга киришимга 11 сентябрьда юз берган воқеа – Америкадаги эгизак биноларнинг портлаши сабаб бўлган», – дейди у.





– Жуда галати ҳаёт ҳикоянгиз бор деб эшитдим, ўқувчиларим билан ҳам баҳам кўрасизми бу ҳикоянгизни?

– Ота-онам минглаб бразилияликлар каби христиан эдилар. Ийсо Масиҳнинг ошиқлари эди гўё. Мени ҳам энг тақводор масиҳийлардан бири бўлишимни хоҳлаб тиш-тирноги билан ҳаракат қилар эдилар. Ҳар якшанба улар билан бирга черковга бориб ибодат қилардим, онам Ийсо Масиҳ ҳақида турли хил ҳикоялар айтиб берарди. Ўзим ҳам кўп китоб ўқир эдим. Ҳуқуқ факультетига ўқишга кирганимдан кейин уйдан узоқлашдим, Сао Паулода яшай бошладим. Ҳаётимни ўзгартирган воқеалар талабалигимда бошланди.

– Қандай ўзгаришлар?

– Ўқишга киришдан аввал оилам билан қишлоқда яшаганим учун шаҳар ҳаётини билмас эдим. Сао Пауло менга дунёда расво бир ҳаётнинг борлигини кўрсатиб қўйди. Шаҳарда яшаётган инсонлар пул ва тараққиёт тарафидан қул қилиб сотиб олинган эди. Инсонлар фақат манфаат учун яшар, бир-бирларидан ва табиатдан узоқлашиб кетганди. Университетдаги ўртоқларимнинг ҳаётдан мақсади фақат фаҳш ишлар ва спиртли ичимликлардан иборат эди. Модерн ва капиталист ҳаёт Бразилия ёшларининг туйғуларини ўлдираётганди. Шунинг учун ҳам капитализм ва модерн ҳаётдан нафратланардим. Тунги клублар, дискотека ва пулни ёмон кўрардим. Ёшликнинг ўлишини томоша

қилардим. Мен бир чорасини топишим керак, йўқса, бу ҳаёт мени ҳам асир қилиб олади деб ўйлардим. Табиатни, ҳайвонларни севар эдим. 1995 йилда Сао Паулодан кетдим, Амазон ўрмонларидаги Матуграсо деган жойга бордим. У ерда яшай бошладим.

– Ўрмонда ҳаёт қандай эди?

– Бу ҳудуддаги инсонлар умуман технологиядан, пулдан узоқда, табиий ҳаёт кечирарди. Дарёдан балиқ овлар ва асалари боқишарди. Улар билан бирга яшаш ҳаловатли эди. Улар каби яшашга ҳаракат қилардим. Овга чиқардим, асалари боқар эдим. Ўрмондаги болаларга Капувера дарслари берардим. Капувера – бразилияликларнинг кураш спорт тури. Ҳам кураш, ҳам рақсдан иборат. Улар бунга қизиқиб қолишди, мен ҳам жон деб ўргатар эдим.

– Ўрмонда яшаган инсонларнинг эътиқоди бор эдими, нимага сигинар эди?

– Куёшга ва дарёларга сигинар эдилар, ораларида диндорлари ҳам бор эди.

– Уларнинг шаҳар ҳаёти ҳақида тасаввурлари борми, сизга шу ҳақида савол беришар эдими?

– Ҳа, сўрар эди. Мен ҳам тушунтирар эдим. Аммо ҳеч бири ўрмонни тарк этишни хаёлига ҳам келтирмасди. Чунки улар шаҳар аҳли каби беҳаловат эмас, жуда бахтли инсонлар эди. Модерн ҳаётнинг биздан тортиб олган инсоний қийматлар уларда мавжуд ва ҳаёт қувончига бой эдилар.





– Сиз каби шаҳардан қочиб, ўрмонга жойлашган яна бошқалар ҳам бор эдими?

– Ҳа, бир физика фанлари профессори бор эди. У ҳам Сао Паулодан келганди.

– Ўрмонда неча йил яшадингиз?

– Икки йил. Кейин ўрмондан кетдим.

– Нега?

– Ўрмонда ҳаловатда эдим, аммо мен бир дин, ишонч қидираётгандим. Христианликка ишонмай қўйгандим. Ийсо Масиҳнинг ҳам Тангри, ҳам Унинг ўғли эканлигига ўзимни мажбур қилиб ҳам ишонтира олмасдим. Ўрмон аҳлининг ишончи ҳам мантиқсиз. Бу мен истаган ишонч эмасди. Ҳақиқатни қидириб топишни хоҳлардим.

Ўрмонда ўқишим учун китоблар йўқ, фақат ўтириб тафаккур қилардим, холос. Ҳақиқатни китоблардан қидираман деб ўйлаб Sao Thome Das Letras деган жойга кўчдим. Китоб дўконлари бор бўлган бошқа қасабага ўрнашдим. Das боришим учун отда олти соат йўл юришим керак эди. Das Letrasda қаҳва экиб тирикчилик қилардим. Бошқа қасабага бориб, китоб олиб келардим. Ҳақиқатни қидиришдан тўхтамадим, тўхтовсиз Тангрига ёлворардим, менга ҳақ динни топишимга ёрдам бер дея. Инжил ва Тавротни бир неча маротаба ўқиб чиқдим, аммо мен қидираётган нарса у китобларда йўқ эди. Қалбимда жуда безовталик бор эди, кечалари уйқум қочар, дуо қилардим. Ийсо Масиҳнинг

пайғамбар эканлигига ишонардим. Ҳатто, Кабала динини ҳам ўрганиб чиқдим. Ҳеч бири қалбимга ҳузур ва сокинлик бера олмасди.

– Ислом билан қандай танишдингиз?

– Яна бир куни отимга миниб, қасаба марказига бордим, қасабада инсонлар хурсандчиликдан рақс тушар, шофёрлар тинмай сигнал берарди. Аввалига Бразилия футбол командаси ғалаба қозонгандир, шунинг учун байрам қилишмоқда деб ўйладим. Чунки бразилияликлар одатда, Дунё кубогини олганида шундай байрам қилишарди. Ҳар ҳафта келиб, китоб олиб кетадиган китобчи танишимдан: «Нима бўляпти, ҳамма жойда хурсандчилик?» – дедим. У менга: «Бирор жойга кириб, телевизорга қара, Америкадаги эгизак бинолар портлаган эмиш. Айтишларича, буни мусулмонлар қилибди», – деди. Бу хабар мени ҳаяжонлантирди. Чунки мен ҳам бошқа бразилияликлар каби Америкадан нафратланар эдим. Дарҳол бир қаҳвахонага кириб телевизордан портлаш онларини томоша қилдим. Гўё Америка ўлдирган ота-боболаримнинг ҳисобини бераётган эди. Яна китобчига бордим: «Ким қилибди бу ишни?» – дедим. У: «Мусулмонлар», – деди.

– Бу воқеадан аввал сиз ҳеч Ислом ва мусулмонлар ҳақида эшитган эдингизми?

– Ҳа, фақат ёмон нарсаларни эшитгандим. Сао Паулода





яшаганимда ҳам баъзи мусулмонларни кўргандим, яшаш тарзлари оддий бразилияликникидан фарқ қилмас эди. Китобчидан: «Мусулмонларнинг китоби – Қуръонни қаердан топсам бўлади?» – деб сўрадим. У: «Бу қасабадан топа олмайсан Қуръонни Бело Хоризонте шаҳридан топишинг мумкин», – деди. Ўша заҳотиёқ отимга миниб, Бело Хоризонтега отландим. Отда 12 соат йўл юриб, шаҳарга етиб келдим. Бу ер олти миллион аҳолиси бўлган катта шаҳар эди. Уч кун бу шаҳарнинг китобчиларидан Қуръон қидирдим. Уч кундан кейин бир китобчидан португал тилига қилинган таржимасини топдим. Бир ой тинмай бу китобни ўқидим. Менга ҳузур бераётган бу китобни ҳеч қўлимдан туширмасдим. Бир ойдан кейин Рио де-Женериодаги масжидга бориб, калимаи шаҳодат келтириб мусулмон бўлдим.

– Қуръоннинг нимаси сизни таъсирлантирди?

– Қуръон менга мени танитди ва нима учун яшашим кераклигини ўргатди. Мен замонавий ҳаётдан қочиб юрган эдим, аммо Қуръон менга бу ҳаётдан ўзимни қандай ҳимоя қилишимни ўргатди.

– Исломга киргандан кейин ҳам мусулмонларнинг яшаш тарзи сизни умидсизликка туширдими?

– Ҳа, жуда кўп. Улар Қуръонни оз ўқишади. Христиан эканлигимда руҳонийларимиз бизга: «Сизлар Инжилни тушунмайсизлар, фақат бир руҳоний ёрдамидагина

англашингиз мумкин», – дер эди. Мен билган мусулмонлар ҳам Қуръонни: «Сен тушунмайсан, фақат бир дин олими ёрдамида англашинг мумкин», – дея Қуръондан узоқ туришар эди. Бу тушунчани улар христианликдан олганлигини англадим.

– Буни атрофингиздагилар қандай қабул қилди?

– Онам: «Сен ақлдан оздинг», – дея дўхтирга олиб боришга кўп уринди. Отам ҳам газабланар эди. Аммо вақт ўтиб фикрлари ўзгарди. Аёлим жуда билимли эди, у ҳам мусулмон бўлди. Ислом ҳақида иккита китоб ёзди.

– Лотин Америкаси ўлкаларининг Исломга қизиқиши охирги йилларда ортганидан хабаримиз бор. Бунинг сабаби нималар?

– Лотин америкаликлар 11 сентябрьдан кейин ёппасига Ислом ва Қуръон ҳақида изланишга киришиб кетишди. Бразилияда 11 сентябрьдан кейин нақ уч минг киши Исломни қабул қилди.

– Исломни энг кўп қайси тарафларини севдингиз?

– Исломий биродарликни.





**Саккизинчи қисм**

## РУҲИМНИНГ ОЗУҚАСИНИ ТОПДИМ

Бир пайтлар Германияда машҳур мусиқачи бўлган Жулиа Жувайрия ўзига совга қилинган китоб сабабли галати воқеаларни бошдан кечиради. Бу воқеалар унинг Исломга киришига сабаб бўлган эди. Унгача Жулиа мусулмонлардан нафратланарди. Нафратини қуйидагича ифодалайди: «Ҳидоят топишимдан аввал мусулмонлар мен учун жоҳил, ҳаётдан завқ олмайдиган, ҳурлигини йўқотган инсонлар эди. «Улар ниҳоятда иродасиз бўлгани учун доим бир Яратувчига эҳтиёж сезади», – деб айблар эдим».

Ўтмишда мусулмонлардан шунчалик нафратланган бу киши янги исм сифатида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёли Жувайрия хоним (розияллоҳу анҳо) исмини танлаганди. Интервъю олар эканман, у бир неча бор кўзига ёш олди.

Жувайрия хоним бугунги кунда фаластинлик бир йигитга турмушга чиққан, унинг мусиқасиз, ниҳоятда оддий ҳаёти бор.

– Мусулмон бўлишга қадар кечган ҳаёт тарзингизни гапириб бера оласизми?

– Немис бир оилада катта бўлганман. Отам католик, онам протестант эди. Отам диндор эмас, аммо онам

кечалари кўп дуо қилар ва ҳар якшанба черковга қатнашни канда қилмас эди. Бизни ҳам черковга олиб борар эди. У ерда роса хурсанд бўлардим, пайғамбарлар ҳаёти ҳақидаги ҳикояларни эшитиш менга ҳузур берарди. Черковда ва мактабларда бизга Ийсо Масиҳ Тангрининг ўғли деб ўргатилди. Аммо мен буни ҳеч қачон қабул қила олмасдим. Болалигимдан бери Ийсо алайҳиссаломни бошқа пайғамбарлар – Довуд алайҳиссалом ва Сулаймон алайҳиссаломлар каби Аллоҳнинг бир пайғамбари эканлигига ишониб келдим.

– Нега ишондингиз бунга?

– Билмайман. Зеҳним ва ақлим Ийсо алайҳиссалом Аллоҳнинг ўғли эканлигини ҳар доим рад қилди.

Ўн тўрт ёшимдан кейин черковга боришни тўхтатдим. Фақат кечалари Аллоҳга дуо қилар эдим. Лицейда эса ҳиппи фалсафаси ва мусиқаси билан танишдим. Дўстларимнинг ҳаммаси ҳиппи эди. Ҳиппи бўлганимдан кейин христианликни ва дуо қилишни ҳам ташлаб юбордим. Чунки дин ҳам, дуо ҳам кераксиз нарса деган қарорга келгандим.

– Ҳиппи фалсафаси нима? Ҳиппиларнинг яшаш тарзи қандай?

– Ҳиппи фалсафасига кўра истакларга чегара қўйилмайди, сиёсат билан шуғулланилмайди, табиатга, саёҳатга, мусиқа ва тинч яшашга аҳамият берилади.





Ҳиппи фалсафаси инсоннинг ҳурлиги унинг ичидадир, ичингга йўнал ва уни кашф қил дейди. Ҳиппилар қўшиқ куйлаб ҳаётдан завқ олади ва мол-дунёга берилмайди.

– Мусиқий услубингиз кимларнинг услубига ўхшар эди?

– Bob Dylan, Pınk Floyol, Led Zeppelin ва The Beatlesлардан ўрнак олар эдим. Мусиқаларим фалсафага тақалар эди. Кўпроқ ҳаётнинг сири, ҳурлик, табиат ҳақида куй басталар эдим. Мусиқий билимни Лондонда олганим учун Исломни ҳам илк Лондонда танидим.

– Сиз бошида мусулмонлардан нафратланар эдим дедингиз. Бу нафрат билан Исломга қандай кириб қолдингиз?

– Лондоннинг Stop Nevengten қасабасида яшар эдим. Бу ҳудудда черков, цинагога ва масжид бор эди. Мусулмонлар ва яҳудийларни кузатардим доим, роса хотиржам ва бахтиёр инсонлар эди. Шанба куни яҳудийларнинг, жума куни мусулмонларнинг севинчи янада ортар эди. Кузатувларим мени динлар ҳақидаги изланишларимга бошлаб келди. Чунки мен ҳали ҳам бир ҳиппи эдим. Биз ҳиппилар доим хурсандчилик билан яшашни ёқлар эдик, аммо мен кўриб турган бу инсонлар ҳаётдан завқ олишда ҳиппиларга қараганда анча бахтли ва масъуд эдилар. Бу хурсандчиликни уларга динлари бераётганини англадим. Яҳудийликка оид китобларни

Ўқий бошладим. Натижада уларнинг дини ирқчи эканини кўрдим. Ирқчи ва миллиятчиларни ёмон кўрардим, шунинг учун бу дин менга мос келмади. Мусулмонларни ҳам ёмон кўрардим, шу сабабли уларнинг динига умуман қизиқиб ҳам кўрмадим.

– Мусулмонча яшашни сизга қийин қилиб кўрсатган нарса нималар эди?

– Беш маҳал намоз ўқишлари ва аёлларнинг ўранишлари. Айниқса, ҳижобга жуда мантиқсиз деб қарардим.

– Бу фикрларингиз ўзгарибди, кўриб турибман, муслимасиз, ҳижобдасиз. Бу қандай рўй берди?

– Бир кун Лондон кўчаларида кетаётган эдим, кўчанинг ўртасида митинг қилаётган бир гуруҳ инсонларни кўриб қолдим. Бу инсонлар курд эди, бир нималар деб бақирарди, мен эса курдча тушунмасдим.

Ўша ердаги китоб дўконига кириб китобчи амакидан: «Булар нимага норозилик билдиришмоқда?» – деб сўрадим. Амаки: «Туркияга, Турк давлатига норозилик билдиришмоқда», – деди. Китобчи амаки покистонлик эди. Мен билан гаплашгиси келаётганди. Мендан «Ислом ҳақида бирор фикринг борми?» – деб сўради. Мен ҳам: «Ислом хотин-қизларни ҳақорат қиладиган, камситадиган, инсонларнинг миясини террор билан эмлайдиган дин», – дедим. «Сен ўйлаган нарса Ислом





эмас. Сен ҳақиқий Исломни танишни хоҳлармидинг?» – дея изним бўлмаса ҳам менга Ислом ҳақида гапира бошлади.

– Изн сўраганда жавобингиз нима бўларди?

– Йўқ дердим, табиий. Ислом ҳақидаги фикрим қатъий эди, амакини эшитишни ҳам хоҳламаётгандим. У мендан «Уч дақиқангизни оламан, узр» дея яна гапиришга изн олди.

– Уч дақиқада нималарни гапирди?

– «Ислом Сулаймон алайҳиссалом, Довуд алайҳиссалом, Ийсо алайҳиссаломнинг ҳам дини бўлган ҳақ диндир. Ислом ҳақида бир излан, бутунлай бошқа бир дунёни кашф қиласан, ҳаётнинг сирини топасан», – деди. Уни ҳеч эшитгим келмади, «Узр, раҳмат, хайр», – дея чиқдим, кетдим. Чиқиб кетаётганимда бир китоб совға қилди ва: «Бир кун керак бўлиб қолсам, шу номерда бўламан», – дея телефон рақамини ҳам берди.

Уйга келиб телефон рақамни китобнинг ичига қўйиб, уни жавонга жойлаштирдим. Ва ўжарлик билан, ўлсам ҳам ўқимайман бу китобни дедим. Аммо у китоб уйимга кирганидан кейин ғалати воқеалар рўй бера бошлади.

– Қандай воқеа?

– Китобнинг атрофида баъзан оппоқ нур ҳалқаси пайдо бўларди. Хаёлимда бўляпти деб ўйлардим, аммо бу хаёл эмас, рост эди. Ҳар икки-уч кунда бир бу нур

ҳалқасини кўра бошладим.

– Ишонгим келмаяпти!

– Бир сиз эмас, кимга айтсам ишонмасди. Аммо мен буни ростдан кўрдим. Жуда қайсар эдим, ҳалиям китобни очиб ҳам кўрмайман дердим ўзимга ўзим. Аксинча, у китобчи бир сеҳргар, бу нур ҳалқаси сеҳр деб ўйлардим. Икки ярим ой давом этди бу мужодалам.

Аммо бир кун чидай олмадим китобни очиб ўқидим. Китоб гўзал эди, ўқиганим сари ичимга ҳузур кираётган эди. Исломнинг ҳақ дин эканлигига ишона бошладим. Исломнинг шартлари менга пайғамбарларни бир-биридан ажратмасдан ҳаммасига иймон келтиришни ҳақида сўзларди. Бу китоб менга Ислом бир денгиз, динларнинг ҳаммаси бир дарё каби бу денгизга оқади дер эди. Китобни тугатганимда ичимни буюк бир ҳаловат қоплади, ҳақиқатни топган эдим. Аммо баъзи саволларим бор эди. Покистонлик амакига қўнғироқ қилдим, у киши аёли билан бирга мени уйида қарши олди. Юқоридаги воқеани айтиб берганимда ҳайратланишди, «Қара, Аллоҳ сенга нақадар ёрдамчи бўлмоқда!» – дейишди. Бир ой давомида аёли билан бирга менга Ислом ҳақида суҳбатлар қурди.

– Китобнинг муаллифи ким, китобнинг номи нима эди?

– Покистонлик Мирзо Тоҳир деган киши ёзган





«Мусулмон бўлишнинг сабаби» номли китоб эди.

– Бир ойнинг ичида мусулмон бўлишга қарор қилдингизми?

– Ҳа.

– Қандай қилиб қисқа вақт ичида эски ҳаётдан воз кечиб, янги ҳаёт қура олдингиз?

– Қийин бўлмади. Ҳиппи фалсафасидан саволларимга жавоб ололмай қолгандим. Ислом ҳақида изланиш олиб борар эканман, Аллоҳ қалбимни очаётганини ва мени кузатиб турганини ҳис қилар эдим.

– Кейин ўрандингизми?

– Авваллари фақат намоз ўқиганимда ҳижоб ўрар эдим, кейин ҳижоб оятига қизиқиб, ўрганиб чиқдим. Аллоҳ аёлларга маълум қиймат берганини ва бизни кўриётганини тушуниб етдим. Мен ҳам бу амрга итоат қилдим, ўрандим.

– Ислом сизни ўзгартирдими?

– Албатта. Ҳар тарафлама ўзгартирди. Ҳиппиларнинг ҳаётида қонун, тақиқ йўқ эди. Ахлоқ тушунчаси умуман йўқ. Наркотик чекардим. Мусулмон бўлган куним ҳаммасидан воз кечдим.

– Ҳозир ҳам куй басталаб турасизми?

– Йўқ, мусиқадан ҳам воз кечдим.

– Нега? Ислом мусиқани ҳам тақиқлайди деган фикрдамисиз?

– Мусулмон бўлишдан аввал мусиқани руҳим учун бир эҳтиёж деб билардим. Ичимдаги бахтсизликдан мусиқа ёрдамида қутуламан деб ўйлар эдим. Аммо энди мен бахтлиман. Руҳимнинг озуқаси Қуръондир. Бошқа ҳеч нимага эҳтиёжим йўқ.





**Тўққизинчи қисм**

## СИГИРЛАРГА СИҒИНАР ЭДИК

– Ҳиндуизм динига мансуб бўлган экансиз. У қандай дин? Илоҳларингиз ҳақида гапириб бера оласизми?

– Уйимизда учта бут бор эди. Эркак бутга отам, аёл бутга онам, биз эса кичкина бутга сиғиниб сажда қилар эдик. Отамнинг машинасида ҳам товус шаклида қушга ўхшаган бир бут бор эди, ҳаммамиз машинага минишдан аввал эгилиб у бутга таъзим қилар эдик. Оқшом эса ҳамма ўзининг бути қаршисида ўтириб дуо қиларди. Онам роса диндор эди, кечалари бутининг қаршисида нақ уч соат ибодат қиларди.

Энг асосий тангримиз сигирлар эди. Сигирлардан қўрқар эдик, чунки у тангримиз бўлгани учун кўчаларда бирдан қаршимиздан сигир чиқиб қолса, унга муносиб ҳурматни кўрсата олмасак нима бўлади дея ҳадиксирардик. Сигирлар бизга сут бергани учун бизни туққан онамиз эмас, сигирлар ҳақиқий онамиз деб эътиқод қилардик. Винайка исмли энг катта сигир – санамимиз бор эди. Барча сигирларни Винайка туққанига иймон келтирган эдик.

– У пайтларда Ислом ҳақида бирор маълумотингиз бор эдими?

– Йўқ, ҳеч нима билмасдим.

– Исломга қандай қизиқиб қолдингиз?

– Икки ярим йил аввал ғалати тушлар кўра бошладим ва бу тушларни такрор-такрор кўрардим. Аллоҳим менга лутф қилди, мусулмон бўлдим.

– Қандай тушлар экан?

– 21 ёшда эдим. Бир кун тушимда оқ либос кийган, менга орқасини қилиб турган бир кишини кўрдим. У одам такбир айтди ва қўлини боғлаб намоз ўқиди. У пайтда ҳинд бўлганим учун у кишининг нима қилаётганини тушунмаган эдим. Эртаси куни яна ўша туш, яна ўша ҳаракатларни кўрдим. Қўрқиб уйғондим. Ҳар кун бир хил туш кўраётган эдим. Учинчи кун ҳам шу тушни кўрдим. Эрталаб онамга тушларим ҳақида гапирганимда онам: «Эътибор берма, шайтон кирибди-да тушингга», – деди.

– Кейин нима бўлди?

– Кўчага айланишга чиққандим, Форис исмли бир мусулмон йигит билан танишиб қолдим. Унга тушларим ҳақида гапирдим. У: «Шом пайтида учрашайлик, сени бир жойга олиб бораман», – деди. У мени шом вақтида Ислом марказининг масжидига олиб борди. У ерда кўпгина мусулмонларни кўрдим, ҳаммаси бир хил – тушимда кўрганим кишининг ҳаракатларини қилишаётганди. Ҳайратда қолдим. Форис менга: «Аллоҳдан сенга ҳидоят келмоқда», – деди. Мен ҳидоятнинг нима эканлигини





билмасдим.

– Ўша ерда мусулмон бўлишга қарор қилдингизми?

– Йўқ. Ҳам ҳайратда, ҳам қўрқувда эдим. Аллоҳ менга тушларим орқали бир ишорат бераётганлигини англадим. Эртаси куни Форис мени бошқа бир жамоатга олиб борди. Имом жамоатга юзланиб Ислом ҳақида ваъз қиларди. Уни тинглар эканман бизнинг сигирлар ва санамларга сиғиниб юришимизни бир аҳмоқлик эканлигини ўйлаб уялиб кетдим. Ваъз тугаши билан Форисга: «Мусулмон бўлмоқчиман», – дедим. У мени имомнинг олдига олиб борди. Калимаи шаҳодат келтириб мусулмон бўлдим. Ҳамма мени қучоқлаб табриклай бошлади.

– Эски диндан бирдан воз кечдингиз, шу қадар осон бўлдими?

– Менинг оиламдагилар энг тақводор ҳиндлар эди. Ҳиндуизмдаги ибодат шаклларини соғлом ақл қабул қилмаслигининг фарқига бориб юргандим ўзи. Фақат атроф-муҳитдагилардан ҳадиксираб фикримни тилимга чиқара олмасдим. Инсонлар бир динга иймон келтириши учун у дин ҳақида кўп маълумотга эга бўлиши шарт эмас деб ўйлайман. Қалбимнинг садосига қулоқ солдим. Ва энг қисқа фурсат ичида қалбим мендан мусулмон бўлишимни истади.

– Оилангиздагилар буни қандай қабул қилди?

– Мусулмон бўлганлигимни икки ярим йил оиламдан

яшириб юрибман. Ҳиндлар жуда мутаассиб инсонлар, айниқса онам, ҳечам кечирмайди.

– Ислом сизнинг ҳаётингизни ўзгартирдими?

– Албатта. Форис менга таҳорат ва намозни ўргатди. Мусулмонлар бир оиланинг аъзолари каби бир-бирини яхши кўрар экан. Мен ҳам ўзимни улар билан бирга бўлганимда ҳақиқий оилам ичида каби ҳис қиламан.

– «Ислом ва Даъват» институтига қандай ўқишга кирдингиз?

– Мусулмон бўлганимдан кейин Исломни чуқур ўрганишни орзу қилиб Пуланг Пинангдаги Ислом марказига бордим. Уларга мақсадимни айтдим. Ҳиндуизм динидаги ёшларга Исломни англатишни хоҳлайман, аммо ўзим ҳали яхши билмайман дедим.

Улар ҳам мени Клантандаги «Ислом ва Даъват» институтига ўқишга жўнатишди.

– Оилангиздагилар бунга қаршилик қилмадими?

– Малайзияга кетишдан аввал Пуланг Пинангдаги бир футбол командасида футболчи эдим. Футбол мактабида ўқигандим. Оиламдагиларга Куала Лумпурдаги ҳинд футбол командаси ФУСАга трансфер бўлдим дедим. Оилам ҳозир мени Куала Лумпурда футбол ўйнамоқда деб ўйлашади.

– Уларга ҳақиқатни қачон айтмоқчисиз?

– Шу йил айтишни мўлжаллаб турибман. Чунки





уларнинг, албатта, ҳужумлари бўлади, бу ҳужумларга сабр қилишим учун иймоним кучли бўлиши керак эди. Уч йил бўлмоқда динимни ўзгартирганимга, уларга ҳақиқатни ошкор қилиш учун ўзимни энди-энди ҳозир ҳис қилмоқдаман.

– Исломнинг қайси жиҳатларини севдингиз?

– Исломни ўрганганим сари унга нисбатан меҳрим ва қизиқишим ортди. Институтда Ислом фиқҳини ўргандим. Арабча ўргандим. Исломнинг, таҳоратли бўл, қул ҳаққини ема, қўшни ҳаққига риоя қил, ёлғондан қоч, қалбларни оғритма каби амрларини яхши кўраман.

Ҳиндистонлик Картик Муругасан икки ярим йил аввал мусулмон бўлиб, исмини Муҳаммад дея ўзгартирган эди.

Ўнинчи қисм

## МУСУЛМОНЛАР МЕНИНГ ЖОН-ЖИГАРИМДИР

Уруш мухбири сифатида Афғонистонга жўнатилган англиялик машҳур журналист Yvonne Ridley 2001 йилда Толибон қўлига асир тушиб қолган эди. Бутун дунё ОАВларида 11 кун давомида бу воқеа кун тартибидан тушмаган, ҳамма жой унинг исканжа кўрганлиги, унга тажовуз қилинганлиги ҳақидаги хабарларга тўлиб тошганди. Аммо...

У озод бўлганидан кейин бошқача интервью берди. Интервъюсида ОАВларнинг бу хабарларининг ҳаммасини ёлғонга чиқариб қўйди. Кейинчалик у ҳижобга кирди, намоз ўқий бошлади. Мусулмон бўлди.

– Сиз 11 кун давомида асир олинган эдингиз? Сизга чиндан ҳам зулм қилишдими?

– Қатъий тарзда йўқ дея оламан.

– Қандай муомала қилишганди зи?

– Ниҳоятда инсоний муносабатда бўлишди. Американи эмас, Толибоннинг қўлига тушганимдан Аллоҳга шукрлар қиламан. Чунки мен асир эмас, 11 кун мусофир бўлдим. Улар менга жуда яхши муносабатда бўлишганди. Ўша яхши муносабат сабаб Исломга қизиқиб қолдим.





– Мусулмон бўлишга қандай қарор қилдингиз?

– Лондонга келганимдан кейин ўттиз ой давомида тўхтовсиз Ислом ҳақида изланиш олиб бордим. Ҳаяжондан жойимда тура олмасдим, айниқса, ҳадислар юрагимга буюк бир ҳаловат солган эди. Қуръонни ўқиб тугатган куним мусулмон бўлдим.

– Исмингизни ҳам ўзгартирдингизми?

– Ҳа, аммо у исмни айтмай қўя қолай.

– Нега?

– Чунки у янги исмга ҳали ўзимни муносиб кўрмайман. Қачон лойиқ бўлсам, ўшанда айтаман. Мусулмонлар жуда яхши кўрадиган аёлнинг исми у исм.

– Оилангиз қаршилик қилдими бу қарорга?

– Ҳамма ҳайратга тушди. Чунки Европада инсонларнинг зеҳниятига Исломга қарши ёмон бир парда қўйиб қўйилган. Бу пардани, албатта, йиртишимиз керак. Исломнинг қалбларга берадиган ҳузурига энг кўп европаликлар муҳтож. Чунки Европа буюк бир маънавий чўкиш ичидадир.

– Мусулмон бўлиш биланоқ ҳижоб ўрабсиз?

– Ҳа, буни Аллоҳ истайди. Биз қачонки, Аллоҳнинг истагини амалга оширсаккина бахтли бўламиз.

Мусулмон бўлгач, ҳажга бордим, миллионларча ҳижобли аёлларни бир жойда кўриш мени ҳаяжонга солди. Ҳар бири менинг синглим, опам, онам каби эди гўё.

– Туркияда ҳозир лицей ва университетларда ҳижоб ўраш тақиқланган, бунга нима дейсиз?

– Туркия деса, ҳамманинг кўз ўнгига мусулмонлар келади. Шундай бир мамлакатда ҳижобнинг таъқиқланиши жуда тушунарсиз хол.

– Туркиядаги муслималарга бир сўзингиз борми?

– Мужодала қилинглар, бу йўлда Аллоҳга ишониб ёрдамни Ундан кутинглар. Чунки у мўминларни эшитиб кўрийдиган Зотдир. Аллоҳ зафарни фақат мужодала қилганга беради.

– Биласиз, Европа Исломни аёлларга зулм қиладиган, уларни камситадиган дин дея танитади.

– Менинг Пайғамбарим соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннат оналарнинг оёқлари остида», – дейди. Европанинг нима дейишини аҳамияти йўқ. Эркакларга эса: «Сизларнинг энг карамли бўлганингиз аёлларга яхши муомала қилганингиз», – дейди.

– Ғарб ОАВларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни карикатура қилишларига муносабатингиз?

– Бу мени ниҳоятда хафа қилади ва ғазаблантиради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мусулмонлар қалбидаги қийматини Ғарб қаёқдан ҳам билсин. Аслида, уларни ҳаракатлантириб қўйган нарса ҳам шу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатимиз. Чунки Ғарбда Исломга бўлган қизиқиш





ортмоқда.

– Сиз бутун дунё танийдиган журналистсиз. Исломга кириш ҳикоянгиз ҳам шунга хос бўлибди. Yvonne Ridleyнинг мусулмонларга айтадиган сўнгги сўзи нима бўлиши мумкин?

– Мусулмонман деган ҳар ким менинг жонжигаримдир! Исломга қарши бўлаётган қаршиликларга жим қараб турмайлик, доим бойкот қилайлик.

## ТАКСИДА ҲИДОЯТ ТОПДИМ

– Христианликдан узоқлашиш сабабини тушунтира оласизми?

– Аввалига христианликдаги таслис ишончи мени шубҳага солиб қўйганди. Кейин эса христиан попларининг, вақтида чўқинтирилмаган болалар жаҳаннамга тушади дейишлари мени қўрқита бошлади. Тангри деганлари шундай ҳам адолатсиз бўлиши мумкинми дердим. Черковга қатнашни тўхтатиб қўйдим.

– У пайтлар мусулмонлар ва Ислом ҳақида нималар билардингиз?

– Лицейда ўқиганимда черковга бориб турардим, мусулмонлар ҳақида ҳам ўшанда руҳонийлардан эшитгандим. Улар доим мусулмонларни ёмонлашарди, мусулмонлар дунёмиз учун энг катта таҳлика дер эди. Мусулмонлардан нафратланар эдим. Лицейдаги мусулмон болалар билан ўртоқ бўлишга ҳам қўрқардим.

– Мусулмон бўлишдан олдинги яшаш тарзингиз қандай эди?

– Ҳеч қачон наркотик, алкол ичмадим, зино қилмадим. Буларга ҳаётимдан жой бермадим, яқинларим ҳам мени яхши инсон сифатида танир эди.

Черковни тарк этдим. Ҳаётимда маъно йўқ эди, «Нега





яшаяпмиз ўзи?!» – дея ўзимдан ўзим доим сўрардим.

– Исломга киришингизга нима сабаб бўлди?

– Ота-онам Франкфуртнинг шимолидаги бир қишлоқда яшар эди. Бир якшанба куни ота-онамнинг зиёратига кетаётгандим. Бекатга келганимда автобус кетиб қолган экан, дуч келган машинага қўл кўтардим. Бир машина олдимга келиб тўхтади ва мени ичкарига таклиф қилди. Ҳайдовчи турк эди, исми Довуд экан. Ота-онамнинг қишлогига яқин жойда уйи бўлиб, дам олиш кунлари ўша ерда бўлар экан. Довуд билан суҳбатлашиб кетдик, ўзгача бир инсон билан танишганимни ҳис қилиб турардим. У мени онамнинг уйигача олиб бориб қўйди. Кетаётганида телефон рақами ва манзилини ҳам бериб кетди. Яна учрашишга келишиб хайрлашдик. Довуд жуда яхши инсон эди, унинг мусулмон бўлиб чиқишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Чунки у менинг тасаввуримдаги мусулмонларга ҳечам ўхшамаётган эди.

– Кейин нима бўлди?

– Эртаси куни мен у берган манзилга бордим. Суҳбат қурдик, бир пайт у мендан изн сўраб суҳбатни тўхтатди ва намоз ўқиб олди. Унинг мусулмон эканлигини кўриб ҳайратландим. У руҳонийларимиз бизга англатган мусулмонларга ўхшамасди. Намоз ўқишини кузатдим, у жуда сокин ва ҳузурли эди. Ҳайратимни яшира олмадим, Довудга тасаввуримдаги мусулмонлардан сўз очдим. У:

«Хоҳласанг бошқа мусулмонлар билан ҳам таништирай сени, мусулмонларнинг ёмон инсонлар эмаслигини ўз кўзинг билан кўр», – деди. Мен ҳам майли дедим. Эртаси куни Франкфуртдаги бир масжидга бордик. Масжидда араб, турк, африкалик, осиёликларни ва немисларни кўрдим. Ҳаммаси Аллоҳга сажда қиларди. Одатда немислар бошқа миллатларни камситишади ва немис бўлмаганлар билан бир жойда ўтирмайди. Аммо мен кўраётган бу немис мусулмонлар бошқа миллатларни яхши кўриб, хуш тутаётган эди. Менга таъсир қилган яна бир нарса азон овози бўлди. Ўша пайтлар сабаби маълум бўлмаган бир бош оғриғига йўлиққандим, азон овозини эшитганимда бош оғриғим кетарди. Руҳонийларимиз таърифлайдиган мусулмонлар қаерга кетди? Мен кўриб турган бу мусулмонлар бир-бирига яхшилик қилишдан, яхши муомала қилишдан завқ олмоқда-ку. Ҳар сафар масжидга борганимда янада яхши кўриб қолаётган эдим мен уларни. Довуд 3-4 та китоб берди, ҳаммасини ўқидим. Энг охирида у мени Қуръон билан таништирди. Қуръон ўқир эканман, таърифи йўқ бир туйғу ичида қолдим.

– Қандай туйғу?

– Икки ҳафтада Қуръоннинг немисча таржимасини ўқиб тугатдим. Кейин мусулмон бўлдим. Бунга энг кўп севинган Довуд бўлди. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен сабабли бир кишининг ҳидоят топиши сен





учун қизил туялардан-да яхшироқдир» – деган эканлар.

– Қуръоннинг таъсири ҳақида гапирмадингиз?

– Бир китобни икки марта ўқигандан кейин бошқа ўқий олмайсиз, тўғрими? Аммо Қуръонни ҳар ўқиганимда менга янги-янги эшиклар очилди. Қуръон ўқиганимда кеча ва бугуннинг орасидаги фарқни йўқотиб қўярдим.

– Ислом сизнинг ҳаётингизга нималар қўшди?

– Ислом менга сўнгсиз ишонч туйғусини берди. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдандир. Шунинг учун келажакда менга бир ёмонлик келса, ҳеч қўрқмайман.

Бу дунёга охиратга эришиш учун бир восита деб қарайман. Ислом менинг ҳаётимга маъно берди. Инсонлар бу ҳаётда олдиларига катта-катта мақсадлар қўядилар. Бу орзуларим амалга ошган куни бахтли бўламан деб ўйлайди. Аммо бу бахт ўткинчи. Абадийси охиратдадир.

– Мусулмонларнинг бугунги аҳволига қандай баҳо берасиз?

– Бугун Ислом ва мусулмонлар орасида бир жар бор. Ислом илк нозил бўлган замонларда бу жар йўқ эди. Мусулмон тужжорлар бошқа мамлакатларга борар, уларнинг ахлоқи ва ростгўйлигини кўриб минглаб ғайридинлар Исломга кирар эди. Шу сабаб Ислом Осиё ва Африкани забт қилган эди. Агар Ислом бутун дунёни забт қилишини истасак, Ислом билан иймонимиз орасидаги у жарни кўмиб ташлашимиз керак.

## Ўн иккинчи қисм

## ЖОБИР

Бир дона ҳам масжиди бўлмаган мамлакатлар бор, биласиз-а? Юнонистон, Арманистон каби.

Георгей Вартиссиан ҳам асли арман, аммо Францияда туғилиб ўсган. Ҳозир эса Георгей эмас, Жобир у.

Жобир Марокашда бир қишлоқда мусулмонлар орасида бир ой яшашига тўғри келади.

«Рамазон ойи эди, ўзим христиан бўлишимга қарамасдан Марокашдаги мусулмонларга ҳурматсизлик қилмай деб мен ҳам бир ой рўза тутдим. Рўза ва Рамазон менга буюк бир куч берди. Бир ой давомида Ислом ҳақида изландим. Изланишларим натижасида мусулмон бўлдим», – дейди у.

Жобирни завқ билан тингладим.

– Мусулмон бўлишдан аввал христиан эдингизми?

– Ота-онам каби мен ҳам христиан эдим. Ҳафтада бир кун ҳаммамиз черковга бориб, маросимларга қатнашиб ибодат қилардик. Ўн уч ёшимда ўз хоҳишим билан Париждаги бир черковга қарашли мактабга ёзилдим. Икки йил давомида у ерда таҳсил олдим.

– Ҳали бола экансиз, черковга боғлиқ мактабда таҳсил олишнинг сабаби нима эди?





– Спортга қатнашишни яхши кўрардим. Париждаги черковларнинг ҳаммасида футбол ва спорт клублари бор эди. Мени черков мактабига қайд қилдиринг дея отамдан ўзим илтимос қилган эдим.

– Икки йилдан кейин бу мактабдан қочиб кетибсиз?

– Маълум бир вақтдан кейин мактабда зерика бошладим. Ўз ихтиёримиз билан ҳеч нима қила олмасдик, эркимиз қўлимизда эмасди. Бу мени зериктирди. У ердан кетиб 15 ёшимда электротехникага ихтисослашган бир мактабга ўтдим. У мактабдаги ўсмирларнинг кўпи кокаин қабул қиларди. Мен ҳам кокаинни бошладим. Наркотик мени жуда ёмон ҳаётга олиб кирди. Ҳаётимда маъно йўқ, тезроқ ўлиб кетишни хоҳлар эдим. Бир неча марта ўз жонимга қасд қилдим. Олти йил давомида жуда ёмон кунларни бошимдан кечирдим. Наркотикдан қутулишни хоҳлардим, бунинг учун ўртоқларимни ўзгартиришим керак эди. Франциядан кетиб, Англияга жойлашдим. Пицца сотувчи ресторанга ишга кирдим. Бўш вақтимда черковга ҳам қатнардим. Черковдаги ваъзлар ёрдамида наркотикдан қутулдим.

– Мусулмонлардан ўртоқларингиз йўқ эдими? Ислом ҳақида нималар билар эдингиз?

– Ислом ҳақида кўп нарса билмас эдим. Бири марокашлик, бири жазоирлик иккита ўртоғим бор эди. Жазоирлик диндор эмасди, аммо марокашлик Муҳаммад

жуда диндор эди.

– Исломга кириш ҳикоянгизни эшитсак бўладими?

– Ўша пайтда испаниялик бир қизни севар эдим. У билан бирга Испанияга боргандим, у ерда уч ҳафта қолдим. Мен Испаниядалигимда марокашлик Муҳаммад қўнғироқ қилиб, мамлакатига таклиф қилди. Қиз Испанияда оиласининг ёнида қолди, мен Марокашга кетдим. Муҳаммад Марокашнинг чекка бир қишлоғидан Англияга келган эди. Муҳаммаднинг қишлоғига бордик. Рамазон ойи эди, қишлоқда ҳамма ёппасига рўза тутди. Мен ҳам уларнинг эътиқодига ҳурмат кўрсатиб рўза тутдим.

– Мусулмон эмассиз, аммо рўза тутдингиз?

– Ҳа. Уларни яхши кўриб қолдим. Ўзим мусулмон бўлмасам ҳам ибодатларига ҳурмат кўрсатиб рўза тутишим керак деб ўйладим. Рамазонда қишлоқдаги муҳит ўзгарди. Ҳамма хурсанд, гўё ҳар куни бир байрам эди. Муҳаммад билан масжидга борар эдик, у намоз ўқирди, мен бир бурчакда ўтириб, тафаккурга берилар эдим. Масжидда қалбим ҳаловатда бўларди. Рўза тутиш ҳам менга зўр завқ бераётганди. Исломни яхши таниш учун китоблар ўқий бошладим. Рамазондаги байрамлар, инсонларнинг ўзгариб қолиши мени ҳайратга солиб қўйди. Рамазондан кейин Англияга қайтиб келдим. Исломга қизиқишим янада ортди, бир кун интернетга «Ислом





нима?» дея қидирув бердим. Қаршимга бир мақола чиқди. Мақолада «Ийсо Масиҳ олиб келган диннинг давоми Исломдир, мусулмонлар ўзларидан аввал келган динларни тасдиқлайди ва ҳақ дин деб иймон келтиради», – дейилганди. Бу мени ўйлантириб қўйди. Исломнинг христианликка қараганда кучли дин эканлигига ишона бошладим.

– Мусулмон бўлишингизда Қуръоннинг таъсири бўлдими?

– Аввал доим Инжил ўқиб юрардим. Инжил инсон ҳаётини танимайди. Инжилда фақат қиссалар бор, инсонларга бирор чеклов, қонун қўймайди. Қуръон эса инсонни танийдиган, заифликларини ошкор қилган, унга чеклов ва қонунлар таклиф қилган Китобдир.

Бу хулосаларим мени таъсирлантирди, албатта. Аммо динимни ўзгартиришим жуда қийин бўлди. Ҳар доим қатнайдиганим черковнинг попи бир кун Ислом ва мусулмонлар ҳақида ваъз қилди. Ваъзида черковдагиларга: «Мусулмонлар дунёнинг энг ёмон инсонларидир, шунга қарамасдан Европада Исломнинг тез ёйилиб кетаётганига бир нима дея олмайман», – деди. Мен ҳам ўрнимдан туриб, «Мусулмонларни жуда яхши танийман, улар ёмон инсонлар эмас, жамоатга нотўғри тасаввур бермоқдасиз», – дедим. Поп мен билан тортиша бошлади. Черковдан чиқиб кетдим. Бу орада Муҳаммад қўнғироқ қилиб:

«Рамазоннинг бошланганига беш кун бўлди, бу йил ҳам рўза тутасанми?» – деди. Мен ҳам: «Яна мусулмонлар каби рўза тутмоқчиман», – дедим.

– Ҳалиям мусулмон эмас эдингиз, шундайми?

– Ҳа. Аммо кўп ўтмади, Муҳаммад билан масжидга бориб, мусулмон бўлдим.

– Исломдаги ибодат шаклларига қандай маъно бера оласиз?

– Беш маҳал намоз сизни ҳар доим Аллоҳ билан бирга эканлигингизни таъминлайди. Намозда инсон Аллоҳ қаршисида эгилади, бу бир ҳузур булоғидир.

– Оилангиз қандай қабул қилди?

– Бошида яшириб юрдим. Кейин укаларимга айтдим. Ҳаммаси ҳайратланди. Отам менга: «Ҳеч нима сени Ислом қадар ўзгартира олмаган эди», – деди. Укам ҳам мусулмон бўлди, икки ҳафта аввал отам қўнғироқ қилиб мусулмон бўлишга қарор қилганлигини айтиб қолди.

– Сиз икки жамоат, икки дин орасида яшадингиз, кузатувларингиз хулосаси қандай?

– Мусулмонлар икром соҳибидирлар. Европа маданияти инсонга фақат худбинликни, ўзидан бошқа ҳеч ким ҳақида қайғурмасликни ўргатади.

– Бугунги мусулмонларга берадиган баҳоингиз?

– Мусулмон бир оилада туғилганлар Исломни яхши билади, аммо Исломда яшамайди. Кейинчалик мусулмон





бўлганлар эса Ислом ҳақида кўп нарса билмайди, аммо Исломда яшаш учун жонини беради. Французларнинг кўпи мусулмонлардан қўрқади. Бунинг сабабчиси ОАВлардир. Тўхтовсиз Исломни ёмон кўрсатадиган ёйинлар эълон қилинади. Шунга қарамасдан Франциядан Ислом ёйилмокда.

## Ўн учинчи қисм

# ЭСКИ ЛЕЙКО – ЯНГИ ЛАЙЛО

Исломга қизиқиш ортиб бораётган давлатлардан бири Япониядир. Заковатли ва меҳнаткаш инсонлар мамлакати сифатида танилган Японияда Ислом марказлари ва масжидлар кўпаймоқда. Лейко хоним япон ёшларидан бири, у ҳаловатни Исломдан топган. Урдун ва Туркияга саёҳат қилган Лейко саёҳатларидан кейин мусулмон бўлишга қарор қилиб, исмини Лайло деб ўзгартирган.

«Мусулмон бўлган куним ҳижобга кирдим. Ҳижобли эканлигимда Аллоҳим менга меҳр-шафқатини янада орттираётганини ҳис қиламан», – дейди Лайло.

– Лайло, қандай шароитда улғайдингиз?

– Хиросимада туғилиб, ўсганман. Оилам ва атрофимдагиларнинг ҳаммаси буддист эдилар. Уйимизда Будданинг ҳайкали бор эди. Ҳаммамиз эгилиб, унга сажда қилар эдик. Хос кунларимиз бўларди, у кунларда пишириқлар пиширардик, мева ва овқатлар тайёрлаб Будданинг олдига қўяр эдик. Унга икром қилардик. Будданинг руҳи биз икром қилган егуликлардан келиб ейди деб ишонар эдик.

– Кейинчалик Будданинг нимаси сизни безовта қила бошлади?





– Қалбим бундан кейин Буддани хоҳламай қўйди. Буддага сажда қилганимда ҳузур топиш ўрнига изтироб торта бошладим. Менимча, фитратим Буддага қилаётган саждаларимни қабул қилмаётган эди. Буни онам ҳам сезарди. Бир кун онам менга, сен Будданинг ғазабига учрадинг, шекилли, деди.

– Лицейда ўқиганингизда Ислом ва мусулмонлар ҳақида бирор маълумотга эга эдингизми?

– Деярли ҳеч нарса билмасдим. Мактаб дарсликларида жуда қисқа маълумотлар бор эди. Бир нечта ҳужжатли фильм кўргандим, холос. Буддистларнинг ҳаммаси мусулмонларни аҳмоқ ва кофирлар деб эътиқод қилишади. Мен ҳам шундай фикрда эдим.

– Исломгача бўлган ҳаёт ҳикоянгизни эшитишни хоҳлардим.

– Лицейни тугатиб Токиога келдим, у ерда бир текстил ширкатида ишлай бошладим. Токиода эканлигимда тонггача ухламас, миям саволларга тўлиб кетар эди.

– Қандай саволлар?

– Мендан аввал онамнинг уч фарзанди онамнинг қорнида ўлиб қолган экан. Нега улар ўлди-да, мен яшаяпман, нега дунёга келдик, ўлимдан кейин ҳам ҳаёт борми, ҳаётнинг маъноси нима каби саволлар.

Буддизмдан бутунлай совудим. Уларнинг ибодатлари ва фалсафаси беҳудаликдан бошқа нарса эмасди. Япон

жамиятига қарайман, инсонлар машина каби ишлайди, конвеердан фарқи йўқ, жонли борлиқлар, холос. Буларнинг мақсади нима, инсон фақат ишлаш учунгина яратилдими? Саволларим шундай кўпайдики, жинни бўлиб қолаёзгандим. Кейин бироз дам олиш учун меҳнат таътилига чиқдим. Саёҳатга чиқишни режалаштирдим. Ҳамкасбларим одатда таътилларини Европада, Америка, Францияда ўтказишар эди. Мен эса Шарққа қизиқиб қолдим. Интернетдан суриштирдим, Араб ўлкалари диққатимни тортди. Чунки японияликлар Европани яхши билади, аммо Шарқ ҳақида кўп нарса билишмайди. Мен ҳам бир туризм ширкати билан Урдунга кетдим. Ҳаётимда илк марта у ерда азон овозини эшитган эдим. Ҳар азонда юрагим фараҳланар эди. Ҳар бир намоз вақтини кутадиган ва масжид ҳовлисида ўтириб азон эшитадиган бўлдим. Мен нафис санъатлар, хоссатан, миниатюра чизиш билан ҳам шуғулланган эдим. Масжидлардаги ёзувлар диққатимни тортди. Пештоқидаги ёзувларни ўқигим келарди. Араб ёзувларини севиб қолдим, Токиога келишим билан араб тили курсига ёзилдим. Араб тили эса мени Ислом билан боғлиқ маълумотларга олиб келди. Орадан бир йил ўтиб Туркияга саёҳат қилдим. Истанбул, Бурса, Қайсари, Кўняни кездим. Бу саёҳатларим давомида фақат масжидларга борардим, масжиддан чиққим келмасди. У ерга кирганимда юрагим фараҳга тўлар эди. Айниқса,





Қайсари ва Кўнядаги турклар биз сайёҳларга жуда яхши муносабатда бўлишарди. Ҳатто уйларига таклиф қилиб, бизни меҳмон қилишарди. Бу мени ҳайратга солиб қўйди, чунки Японияда бу ишни ҳеч ким қилмайди. Туркларнинг бу табиати, менинг Исломга бўлган қизиқишимни янада орттирди.

– Японияга қайтгандан кейин нима қилдингиз?

– Японияга келиб Қуръоннинг японча таржимасини ўқий бошладим. Қуръон зеҳнимдаги саволларнинг ҳаммасига жавоб бера бошлади. У менга ҳаётнинг маъносини топиб берди ва бу дунёга нега келганимнинг жавобини айтди. Коинот ҳақидаги оятлардан жуда таъсирландим. Икки ҳафтада Қуръонни ўқиб тугатдим.

– Кейин мусулмон бўлишга аҳд қилдингизми?

– Йўқ. Исломнинг ҳақ дин эканлигини англаган бўлсам ҳам дарров мусулмон бўлишга қарор қилмадим.

– Нега?

– Ўзимни ҳали тайёр ҳис қилмаётгандим. Чунки мусулмон бўлгандан кейин янги ҳаёт бошланади. Эски кўникмаларимдан бирдан воз кеча олмайман деган ҳадигим бор эди. Изланишларим ортди, ҳадис китобларини ўқий бошладим. Ҳадислар мени тарбия қилаётганди, эски кўникмаларимни секин-секин ҳаётимдан чиқара бошлагандим. Олти ойдан кейин Токиодаги бир Ислом Марказига бориб иймон келтирдим.

– Қачон ҳижобга кирдингиз?

– Иймон келтирган заҳотим ҳижобга кирдим. Эртаси куни ҳижоб ўраб ишга бордим. Ширкат мудири бу кийимда ишлай олмайсан деди. Мен ҳам ишдан кетдим.

– Ишсиз қолибсиз, хафа бўлгандирсиз?

– Йўўқ. Чунки қалбимда Аллоҳга нисбатан улкан бир иймоним бор эди. Унга таваккул килдим. У мени ёлғиз ташлаб қўярмиди?!

Бошқа бир ширкатга ишга кирдим, улар ҳатто ҳижобимга ижобий қарашди.

– Ҳижобнинг сизни ҳаётингиздаги ўрни қандай?

– Ҳижобим менинг ҳамма нарсам! Мусулмонман деган ҳар бир қиз ҳижоб ўраши керак. Муслима қизларимизнинг ҳижобга бефарқлигини кўриб баъзан хафа бўлиб кетаман ва йиғлайман.

– Японларнинг Исломга қизиқиши қай ҳолатда?

– Ҳар куни Японияда беш киши Исломни қабул қилмоқда. Иккита ўртоғимнинг мусулмон бўлишига сабабчи бўлдим. Бирининг исми Оят, иккинчисининг исми Закия. Японларнинг Исломни яхши биладиган мусулмонларга эҳтиёжи бор. Ҳозир Туркияда арабча ўрганмоқдаман. Японияга қайтиб, миллатимга Исломни англатишни орзу қиламан.





## Ўн тўртинчи қисм

## «ФАТҲ» СУРАСИ ҲУШИМНИ ОЛДИ

Аввал Поп бўлган, кейин эса Исломга кирган Мусонинг ҳикоясини эшитганимда йиғлаган эдим. Менимча сиз ҳам буни ўқисангиз йиғлайсиз. Мусо Бразилиялик, Исломдан аввалги исми Моисес Оливериа эди. У тўққиз йиллик олий поплик мактабини тугатган.

– Поп бўлиш қийин экан, сиз қийналмадингизми?

– Ота-онам тақводор бир католик эдилар. Мени Куиаба шарҳидаги Сангусал коллежида ўқитишди. Аслида улар хоҳлагани учун поп бўлишга рози бўлгандим.

– Сангусал қандай коллеж, у ерда кимлар таҳсил олади?

– Шаҳарнинг энг бой оилалари болаларини бу коллежда ўқитишади. Коллежда ўқиш тўққиз йил давом этади, тугатганларгина поп бўлиши мумкин. Бразилиянинг энг обрўли поплар мактаби эди Сангусал. У ерда илоҳиёт, тарих, физика, кимё, математика, адабиёт, педагогика ва чет тили ўргатилади. Мен ҳам аълога тугатиб, Кубадаги бир черковга поп бўлдим.

– Поплар мактабларида Ислом ҳақида ҳам маълумотлар бериладими?

– Бу Олий Мактабнинг ўқитувчилари бизга Исломни танитар экан, Ислом арабларга тушган дин, Қуръоннинг баъзи бўлимлари Инжил ва Тавротдан ўғирланган,

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир хотинбоз деган маълумотларни берар эди. Мен ҳам, табиий, Ислом ҳақида юқоридаги фикрда эдим.

– Қандай қилиб мусулмон бўлиб қолдингиз?

– Отам бир кун менга ливанлик бир мусулмон ўртоғим бор, шуни аввал Исломдан узоқлаштириб, кейин христианлаштиришимиз керак деб қолди. Отам билан бирга ливанлик Муҳаммаднинг уйига меҳмонга бордик. У 50 ёшлардаги гўзал юзли бир инсон эди. Олий поплар мактабидаги ўқитувчиларим таърифлаган мусулмонларга ўхшамас эди. Мен уни Исломдан узоқлаштириб, кейин христиан қилишимга қатъий ишонар эдим. Муҳаммадга жавоб бериши қийин бўлган саволлар бердим.

– Қандай саволлар?

– «Ислом дунёси нега қолоқ?», «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам нега кўп хотин олган?» каби саволлар эди. Ливанлик Муҳаммад саволларимга мени лол қолдириб жавоб берди. Бошқа саволларимизга ҳам қойилмақом жавоблар бергач, у бизга савол берди. Христианликни мендан ҳам яхши биладиган, ниҳоятда илмли инсон эди у.

Мен ҳам унинг саволларига жавоб бердим, аммо таслисга келганида тутилдим, қолдим. Чунки таслис эътиқодига ўзим ҳам жавоб топа олмаган эдим. Суҳбатимиз олти соат давом этди. Суҳбат охирида у: «Қуръон ўқисам,





эшитасизларми», – деб сўради. Биз ҳам, майли, дедик. У Қуръон ўқишни бошлаганида мени шиддатли титроқ босди, бутун вужудимни ҳузур қоплади ва секин-секин титраб ҳушимдан кетиб қолдим. Ўзимга келганимда: «Сен нимани ўқидинг?» – деб сурадим. У: «Фатҳ» сурасини ўқидим», – деди. «Уни яна ўқи», – дедим. Отам ҳам, у ҳам менинг ҳушимдан кетиб қолганимни кўриб қўрқиб кетган эди. Муҳаммад бу сафар ўқишдан бош тортди. Аммо мен қаттиқ илтимос қилдим, ўқимасанг ҳеч қаерга кетмайман дедим. Кейин у рози бўлди, такрор «Фатҳ» сурасини ўқиди. Ўқишни бошлаши билан яна вужудимни ҳузур қоплади, яна титрай бошладим ва ҳушимдан кетиб қолдим. Юрагимни кимдир юваётгандек эди гўё. Ўзимга келганимда касалхонада эдим. Доктор менга уйга кетишимга изн бермади, икки кун у ерда ётдим. Ичимда улкан бир ҳузур бор эди, тинмай «Фатҳ» сурасини эшитгим келарди. Аммо отам бошқа эшитмайсан деб изн бермади. Касалхонадан чиқишим билан Қуръон таржимасини сотиб олдим. Ўқир эканман, ҳар бир сурадан таъсирланар эдим. Бу Китобнинг Аллоҳ тарафидан индирилганлигига ишонгандим. Бир неча кундан кейин черковга бордим, бош руҳонийдан Ислом ҳақидаги фикрини сўрадим. У: «Ислом фанатик террористларнинг дини», – деди. Кейинги кунларда ҳам тортишувларимиз давом этди. Черковдан уйга келиб Қуръон ўқирдим. Бир

ойдан кейин Кунабадаги бир масжидга бориб, мусулмон бўлдим.

– Буни черковдаги жамоат қандай қабул қилди?

– Черковдаги поплар мендаги ўзгаришларни, Исломга қизиқиб қолганимни кўриб, мусулмон бўлишимни кутишаётган эди. Шунинг учун олдиндан ливанлик Муҳаммад тарафидан сеҳр қилинди дея шов-шув қилиб бўлишганди. Улар отамга: «Ўғлинг ақлдан озди, руҳий касаллар шифохонасига ёткиз», – дея босим ўтказишди. Отам буни қабул қилмади. Черков ҳам мени кофир деб эълон қилди.

– Дин ўзгартириш қийин ишдир, айниқса бир поп учун, шундай эмасми?

– Ҳа, жуда қийин. Бир умр ишонган нарсаларингиздан воз кечиб, ўзингизга янги бир дунё танлайсиз. Атрофингиздаги яқинларингиз сизни ташлаб кетади, кофир ва аҳмоқ дея айблашади. Фақат Аллоҳ менга шундай кучли иймон бердики, ҳеч нимани тўсиқ деб ўйлаганим йўқ. Тўхтовсиз Аллоҳга ҳамд айтаман бунинг учун.

– Христианликни яхши билган поп сифатида икки диннинг ўзига хос фарқлари нималар деб ўйлайсиз?

– Ислом – инсон фитратига мос диндир. Мусулмон бўлганимдан кейин буни янада теран англадим. Христианлик поплар ва руҳонийларга уйланишни тақиқлайди. Аммо Аллоҳ инсонни қарши жинсга мойил





қилиб яратган. Инсон фитратидаги бу истакка тўсиқ қўйилса, кўп ахлоқсизликлар юзага келади. Бугунги кунда поплар тарафидан содир этилган жинсий тажовузлар шармандалик даражасига чиққан. Черковлардаги баччабозлик воқеалари ОАВларга сездирилмайди.

Ислом инсоннинг ҳаётида бўшлиқ қолдирмайди. Сизни қийнаган ҳар қандай саволнинг жавобини Қуръон ва суннатдан топа оласиз. Христианликда эса ҳеч бир христиан таслисни изоҳлаб бера олмайди. Ҳазрат Одамдан бери келган динларнинг ҳаммаси Аллоҳ ягона дейди, христианлик эса Тангри учта дейди. Неча киши ишониши мумкин бу ёлғонга?!

– Динлараро мулоқот деган лойиҳаларга муносабатингиз қандай?

– Бунинг имкони йўқ. Чунки Ислом ҳақ дин, қолган динлар ботилдир. Ҳақ ва ботилнинг орасида қандай мулоқот бўлиши мумкин?

– Ватикан охирги пайтларда динлараро мулоқот ишларига кўп аҳамият бермоқда. Мусулмон дин олимлари воситасида динлараро мулоқот мажлислари бўлиб ўтмоқда. Сизнинг фикрингизча, Ватиканнинг бу ишлардан мақсади нима?

– Ватикан бу ишлари билан Исломнинг ёйилишининг олдини олмоқчи. Чунки инсонлар Исломнинг бошқа динлардан фарқли эканлигини англамоқда. Ва мусулмон

бўлишмоқда. Бу кетишда Ислом 150 йилдан кейин бутун Европани эгаллайди.

– Англия Ички Ишлар Вазири Jacroi Smith ББСга берган интервьюсида 11 сентябрь воқеаларидан кейин биргина Англияда тўрт юз минг киши мусулмон бўлди. Бу воқеадан кейин Ислом Европада зудлик билан ёйилмоқда деди. Лотин Америка давлатларида эса Исломни қабул қилиш 100% га ортган. Ислом билан террорни бир жойда жам қилишларига қарамасдан нега инсонлар мусулмон бўлишни танлашмоқда?

– Аллоҳ Қуръонда: «Сизни ёмонлик деганингизда яхшилик, яхшилик деганингизда ёмонлик бордир», – дейди. Европа ОАВларида мусулмонни террорист сифатида кўрсатиш авж олди. 11 сентябрьгача инсонлар Исломнинг нималигини билишмасди. У воқеадан кейин миллионлаб инсонлар, «Нима экан бу Ислом?» – дея изланишга тушди. Изланишларининг натижаси Қуръонга олиб чиқди. Ҳақиқат эса Қуръондадир.





**Ўн бешинчи қисм**

## «ИНЖИЛДАГИ ВИРУС»ЛАР

Муҳаммад Фарҳан Малайзиянинг машҳур даъватчиларидан биридир. Мусулмон бўлганидан кейин Қуръонни ёд олган ва Мисрдаги ал-Азҳар университетида ўқиган. У шу вақтгача икки мингдан ортиқ кишининг мусулмон бўлишига сабаб бўлди. Христианлигидаги исми Растор Юханис эди. Муҳаммад Фарҳаннинг отаси Малайзиянинг бош руҳонийси эди, ўғлининг мусулмон бўлганлигини эшитиб, уни уйдан қувган эди. Аммо Муҳаммад етти йил давомида ҳар куни ота-онасига мактуб ёзиб уларни Исломга даъват қилди. Унинг етти йиллик мужодаласидан кейин отаси, онаси ва қариндошларининг ҳаммаси мусулмон бўлганди.

– Христиан бир поп экансиз қандай қилиб йўлингиз Ислом билан бирлашди?

– Отам Малайзиядаги христиан католикларининг бош руҳонийси эди. Болалигим черковда кечди, отам мени яхши бир христиан қилиб тарбиялаб етиштирди. Етти йил давомида отам менга миссионерлик таълими берди. Кейин мен ҳам ўз фаолиятимни бошладим.

– Фаолиятни қаердан бошладингиз?

– Индонезиянинг Вадун ҳудудидаги миссионерларга

қўшилдим. Кейин у ердаги фаолиятимни тўхтатиб Малайзияга келиб Себадаги бир лицейда ўқитувчилик қилдим. Лицейда турли динларга мансуб ўқувчилар бор эди. Бир кун мусулмон синфларга дарс берадиган ўқитувчилар билан баҳслашиб қолдим. Кейин Қуръон ўқиб, Қуръоннинг камчиликларини топиб, бу ўқитувчиларни изза қилишни мақсад қилиб олдим. Аммо Қуръонни ўқиганим сари фикрларим ўзгара бошлади.

– Фикрингизни ўзгартирган нарсалар нималар экан?

– Қуръондаги «Марям», «Саф» ва «Юсуф» суралари мени ўзгартирди. Лицейдаги мусулмон ўқитувчилар билан ҳалиям тортишардим, улардан оятларга изоҳ беришини талаб қилардим. Ўзим ҳам бир тарафдан Аҳмад Дийдотнинг китобларини ўқий бошладим. Ва Барнабас Инжилини ҳам ўқидим. Унда очиқ-ойдин шаклда Аҳмад исмли бир пайғамбарнинг келиши ҳақида мужда берилганди.

– Бу изланишларингиз неча йил давом этди?

– Нақ ўн йил давом этди бу изланишларим. Ўн йилдан кейин Исломнинг ҳақ дин эканлигига ишониб, мусулмон бўлдим.

– Қуръон ва Инжил орасидаги қандай фарқларни ўргандингиз?

– Энг аҳамиятли фарқ эътиқод мавзусида эди. Инжилда бир бирига мос бўлмаган, қарама-қарши





бир қанча вируслар бор. Фақат икки Китобни қиёслаб ўқиганларгина бу вирусларнинг фарқига боради. Бундан ташқари, мусулмон бўлишимга кўрган бир кеча тушим ҳам сабаб бўлганди.

– Қандай туш экан?

– Тушимда бир жарликнинг ёнида турибман, жарликнинг ичи ваҳший ҳайвонлар билан тўла эди. Бирдан бир нур ҳалқаси менга яқинлашди ва ундан овоз эшитдим: «Агар бу чоҳга тушишни хоҳламасанг, «Фотиҳа» сурасини ўқи». Мен «Фотиҳа»ни билмайман», дедим. Нурдан яна овоз келди – у «Фотиҳа»ни ўқиётганди. Бу тушимнинг таъсиридан ҳеч чиқа олмадим. Албатта, бу ҳам Исломни севишимга сабаб бўлди.

– Мусулмон бўлгач ҳаётингизда ўзгаришлар бўлдими?

– Ҳа, аввало Қуръонни ёд олдим – 30 поранинг ҳаммасини. Мисрда ўқиб келдим, Себа ҳудудида иккита Қуръон курси очдим. 50 нафар қори етиштирдим. Аммо ҳаётимни ўзгартирган муаммоларимдан изтироблиси отам билан орамизнинг бузилиши эди.

– Қандай муаммо эди у?

– Исломга кирган кунимдан бошлаб уйда намоз ўқий бошладим. Онам мендан нега мусулмонлар каби ибодат қилдинг деб сўради. Чунки мусулмон бўлдим дедим. У дарров отамга хабар берди. Отам етиб келди, «Шу тўғрими», – деди. Мен: «Христианликдан воз кечдим,

мусулмонман», – дедим. Отам деворда осиқлиқ турган милтиқни қўлига олди ва мени отди. Онам милтиқнинг устига ўзини отиб уни девор тарафга отишига эришди. Кейин уйдан кетдим. Отам бош руҳоний бўлгани учун менинг мусулмон бўлишимни ўзи учун иснод деб биларди. Аммо мен ҳеч умидсизликка тушмасдан етти йил давомида ҳар куни ота-онамга хат ёзиб уларни Исломга даъват қилдим. Етти йил давомида ҳар кеча таҳажжудга турдим ва Аллоҳимга ота-онамни ҳам ҳидоятга бошла дея ёлвордим. Етти йилдан кейин ота-онам ва қариндошларимнинг ҳаммаси мусулмон бўлишди.

– Сиз Малайзияда кўзга кўринган нотиқсиз. Даъватчилик фаолиятингиз давомида неча кишининг мусулмон бўлишига сабаб бўлдингиз?

– Икки мингдан ортиқ кишининг Исломга киришига васила бўлдим. Ўн бешта қишлоқда уйма-уй юриб даъват қилдим. Ўн бешта қишлоқдагиларнинг ҳаммаси мусулмон бўлди.

– Сўнгги сўзингиз?

– Иймон мусулмонлар учун энг буюк неъматдир. Бунинг қадрини билайлик.





**Ўн олтинчи қисм**

## САНЁ ЯНГИДАН ТУҒИЛДИ

Болалиги ва ёшлигини монастрга қурбон қилган Буддизм роҳиби Санё Сриваром мусулмон бўлган куни исмини Муҳаммад Файсал дея ўзгартирган эди. «Мен мусулмон бўлган куним қайта туғилдим, менинг эски ҳаётим, йўқ» – дейди у.

– Мусулмон бўлишдан олдин узоқ вақт монастрда яшаган экансиз. Монастрдаги бир кунингиз қандай ўтарди?

– Накошаномдаги монастрда ёшлари 7 – 50 орасида бўлган қирқдан ортиқ талаба бор эди. Мен ҳам 12 ёшимда роҳиб бўлишни мақсад қилиб монастрда таълим ола бошладим. Эрта тонгдан қўнғироқ чалинарди, биз ҳаммамиз Будда ҳайкалининг қаршисида туриб махсус зикрларимизни ўқиб ибодат қилардик. Ҳар куни рўза тутар эдик. Аммо рўза деганимга мусулмонларнинг рўзасини тушунманг. Бу сизнинг рўзаларингизга ўхшамайди. Буддистларнинг рўзасида сув ва баъзи меваларни ейишга изн берилган. Рўза тутганимизда палов ва ичида гуруч бўлган овқатларни ейиш қатъий тақиқланарди.

– Роҳиб бўлиш учун неча йил ўқиш керак?

– Аввало, даъватчи бўлиш учун таълим олар эдик.

Даъватчи бўлиб етишганлар пейн дейилларди, Пейн бўлиш учун беш йил ўқиш керак. Пейн дипломини олганимиздан кейин яна беш йил ўқиб, пра савиясига чиқар эдик. Пралар Буддизм ишончига кўра маънавий мартабаси энг юксак бўлган дин олими ҳисобланади. Мен ҳам Пра мақомида эдим. Ўн йиллик таҳсилни олгандим.

– Буддистлик қандай пайдо бўлган?

– Буддистлар, тугмаган ва тугилмаган бир Кучга ишонишади. Уларнинг ишончига кўра бу Кучнинг бир макони йўқ. Бу дин Непалдан ёйилган. Непал подшоҳи Сутуганнинг Ситтата исмли ўгли бор эди. Подшоҳ ўглининг масъуд ва бахтли бўлиши учун дунёнинг энг гўзал дунёвий завқларини муҳайё қилганди. Аммо ўгли Ситтатанинг қалби дунё завқларидан мутмаин бўлмас эди. У саройдан чиқиб кетиб, бир горда яшай бошлайди. Ўша Ситтата бизнинг Буддамиздир. У горда медитация қилар экан осмондан бир фаришта тушиб унинг руҳини олиб кўкка кўтарган. Будда етти қават осмонни айланиб у ерда гуноҳкорларнинг азобланишига гувоҳ бўлди. Кейин ...ши гоясини англади. Буддизм инсонга дунёвий завқ ва шаҳватлардан нафсини ҳимоя қилганлар энг юксак ...га соҳиб бўлади ва ўшанда бахтни ҳис қилади дейди.

– Мусулмонлар билан қаерда танишган эдингиз?

– Монастрда Пра савиясига чиққанимдан кейин Таиланд ва Малайзияни айланиб чиқишга қарор бердим.





Малайзияда эдим, Рамазон ойи эди, Клантандаги бир масжидга кирдим. Шунчаки уларнинг ибодат шакллари билан қизиққан эдим. Кузатувим шундан иборат.

– Исломга киришга қандай қарор қилдингиз?

– Бир кун радионинг частотасини тўгрилаётган эдим, орада бир кишининг Ислом ҳақидаги эшиттиришига дуч келдим. «Бисмиллаҳ»ни тафсир қиларди. Диққатимни тортди, бироз эшитдим. Жуда таъсирландим. Кейин эса «Фотиҳа»ни тафсир қилди. «Фотиҳа»ни эшитганим сари йиглагим келарди. Эшиттириш тугагунича йигладим.

– Қандай радио эди у?

– Бангкокда ёйин олиб борадиган «Адолатнинг овози» деган радио эди.

– Мусулмонларга қарашли радио эдими?

– Йўқ, мусулмонларга тегишли радио эмасди. Таиландлик бир бизнесменнинг хусусий радиоси эди. Мусулмон бир жамоат Рамазонда бу канални бир ойга ижарага олган экан. Мусулмон даъватчилар бир ой давомида таиландликларга Исломни англатаётганди. Тафсирдан жуда таъсирландим, кўчага чиқиб, масжидларнинг қаршисида соатларча ўтирардим. Ичига кириб Аллоҳга ёлворгим келарди. Қуръоннинг бир башар сўзи эмаслигига Илоҳий калом эканлигига ишонгандим. Бугун миямда бир савол пайдо бўлса, эртаси куни унинг жавобини радио эшиттиришдаги ваъзлардан топа

бошладим. Бу мени шунчалар ҳайратга солдики, шунчаки тасодиф эмасди.

Бу тасодиф бўлиши мумкинмас, Аллоҳ менинг мусулмон бўлишимни хоҳламоқда дея тушундим. Роббим мен учун ҳидоят эшикларини очаётганди. Ҳаётим ўзгара бошлади. Будда ҳайкали бор жойлардан қочадиган бўлдим. Фақат радио эшитишни хоҳлардим. Бир ҳафта уйдан чиқмадим, ҳеч ким билан гаплашмадим. Фақат йиғладим. Аллоҳга тавба қилдим, бу ёшимгача ўзидан бошқа Илоҳларга сиғинганим учун мағфират сўрадим.

Аллоҳ билан ёп-ёлғиз қолдим. Кейин Таиланддан кетиб, Малайзияга келдим. Малайзия кўчаларида айланиб юргандим, дуч келган бир мусулмонга мен Исломни қабул қилмоқчиман менга ёрдам бера оласанми дедим. У билан бирга Клантандаги бир масжидга бордик ва шаҳодат келтирдим.

– Оилангиздагилар буни қандай қабул қилди?

– Мусулмон бўлганимдан кейин тўрт ой Малайзияда мусулмонлар билан бирга яшаб Исломнинг тамал билгиларини ўргандим. Кейин Таиландга оиламнинг ёнига бордим. Онамга мусулмон бўлдим дедим. Аввалига онам мени руҳий хаста каби кўрди. Аммо кейинчалик кўникди. Атрофимдагиларга Исломни англатмоқдаман.

– Яқинларингиз орасида сиз сабаб бўлиб мусулмон бўлганлар ҳам борми?





– Буддист ўртоқларимнинг ҳаммаси менга жиннига муоамала қилгандек муоамала қилганди. Ҳозир эса мендан Ислом ҳақида билим беришимни илтимос қилишмоқда. Таиланднинг баъзи ҳудудларидан ҳаёти давомида Ислом ҳақида эшитмаган, бир марта ҳам мусулмонни кўрмаган инсонлар бор. Бизни ҳаёти, яшаш тарзи Ислом бўлган, хулқи Қуръон бўлган мусулмон даъватчиларга эҳтиёжимиз бор.

## Ўн еттинчи боб

# НУРГА ЮЗЛАНГАН НУР

– Нур хоним, ўзингиз ҳақингизда гапириб бера оласизми?

– Германиянинг Гамбург шаҳрида туғилиб ўсганман. Олти ёшда эдим, ота-онам ажрашди. Мен онам билан қолдим.

– Ота-онангиз христиан эдими?

– Ҳа, аммо диндор эмас эди. Фақат якшанба кунлари ибодатга боришар эди. Кейинчалик онам черковга қарашли бир ёрдам ташкилотида ишлай бошлади. Бу ташкилот етим ва ногирон болаларга ёрдам тарқатар эди. Мен доим онамнинг ёнида бўлганим учун ўртоқларим ҳам етим ва ногирон болалардан иборат эди. Лицейнинг 2-курсида эканлигимда Малайзияга кетдим.

– Малайзияга нима учун бордингиз?

– «Халқаро ўқувчи алмашиш» лойиҳасида Малайзияни танлаган эдим. Мамлакатлараро ўқувчи алмаштириш ишлари яхши бир лойиҳа эди. Ўқувчилар бошқа бир мамлакатлар ва маданиятларни ўрганади.

– Нега энди Малайзия?

– Европа инсони ва Европа маданиятини яхши танир эдим. Осиё ва Африкага кетишни орзу қилган эдим, аммо қуръа ташланганида менга Малайзия чиқди.





– Малайзияга боришдан аввал Ислом ва мусулмонлар ҳақида нималар билар эдингиз?

– Ислом ва мусулмонлар ҳақида деярли ҳеч нима билмасдим. Малайзияга боришим аниқ бўлганидан кейин малайзиялик бир оила менга мактуб орқали расмлари ва ўзлари ҳақидаги маълумотларни жўнатишди. Расмдаги аёлларнинг ҳаммаси рўмолда эди, бунча ғалати булар дедим ичимда. Малайзияга боришдан аввал бу мамлакат ҳақида изланишга тушдим. Билганларим шулар эди: намоз ўқиётган инсоннинг олдидан кесиб ўтиш мумкинмас, никоҳсиз севишиб, қўлтиқлашиб юриш мумкинмас... Шунга ўхшаган нарсалар. Тайёргарликларим тугагач, оилам ва ўртоқларим билан хайрлашиб, жўнаб кетдим.

– Малайзияга борганда илк таассуротларингиз қандай эди? Масалан, нималардан ажабландингиз?

– Бўйим баланд эди, атрофимдаги малайзияликлар кичкина кўринганди менга. Халқининг олтмиш фоизи мусулмон, қирқ фоизи бошқа динларга мансуб эди.

Исломдан ташқари бошқа дин ва маданиятларни ҳам ўргана бошладим. Дўстларимнинг орасида мусулмон, христиан, ҳинду, буддистлар бор эди. Малайзияда роса кўпчилик инглизча билади. Тил жиҳатидан ҳеч қийналмадим.

Мени энг кўп ҳайратлантирган нарса мени уйига қабул қилган малайзиялик оила бўлди. Оила аъзолари тўрт

кишидан иборат эди. Буви, бобо ва уларнинг ўғли ҳамда келини. Келин ва ўғилнинг фарзанди бўлмас экан, ҳар йили турли мамлакатлардан келган ўқувчиларни олар эди. Мустаҳкам бир иймонга соҳиб эдилар. Ҳеч намозларини қазо қилмас ва доим фақирларга ёрдам қилар эди. Пайшанба кунларида эса Бурҳоний тариқатининг зикр кечаларига иштирок этишарди. Мен ҳам, гарчи мусулмон бўлмасам-да, зикр кечаларига улар билан бирга борардим. Зикр менинг қалбимга ҳузур, хурсандчилик ва сокинлик берарди. Ҳар доим уларга Ислом билан боғлиқ саволлар берардим. Нега намоз ўқийсизлар, зикр кечаларини ташкил қилишдан мақсад нима, нега Инжилга эмас, Қуръонга ишонасизлар каби саволлар берардим.

– Аввал христиан бир жамиятда яшадингиз, кейин эса маълум бир муддат мусулмон жамиятда яшадингиз. Бу икки жамият орасида қандай фарқларни кўрдингиз?

– Мусулмонлар, аввало, инсонларга юмшоқ кўнгиллилик билан муносабатда бўларди ва мусофир-парвар эди. Малайзиядаги оилам овқат ва пишириқлар пиширганида қўшниларга ҳам улашиб чиқарди. Бундай муносабатни ҳаётимда биринчи марта кўриб тургандим. Чунки Германияда ҳеч ким еб турган нарсасини биров билан баҳам кўрмайди. Мусулмонлар бир-бирларига худди бир оиланинг аъзолари каби муносабатда бўларди. Бир биродарида бирор муаммо кўришса, ҳаммаси унинг муаммосини ечиш учун ҳаракатга тушиб қоларди. Мен





бундай ҳолатларни илк кўрганимда, кошки, христианлар ҳам мусулмонлар каби ака-укадек жонажон бўлса деб ўйлаганман. Германияда ака-ука, ота-она, ўртоқлар бирга овқатланишга борса, ҳамма ўз чўнтагидан пул чиқариб ўзи учун ҳисоб-китоб қилади. Ҳеч қачон ҳеч бир немис ўзидан бошқа учун тўлов қилмайди. Аммо мусулмонлар бошқача эди. Мусулмонлар бир кишига икром қилганида қўлидаги бор нарсасини баҳам кўрганида ўзларини бахтли ҳис қилар эди. Бу яшаш тарзи мени жуда таъсирлантириб қўйди.

Христианлик ҳақида шубҳага туша бошладим, чунки мусулмонлар Аллоҳ бир ва ягона дейишарди. Менинг динимдагилар эса Аллоҳ учта дерди. Исломдаги Аллоҳни англаш менга мантиқли туюла бошлади. Аммо бу шубҳаларимга қарамасдан динимни ўзгартиришни ўйлаб ҳам кўрмадим.

– Мусулмон бўлишга қачон қарор қилдингиз?

– Бир ўқув йилидан кейин Германияга қайтиб келдим. Германияга келгач, атрофимдаги ўртоқларим ва танишларим билан Ислом ҳақидаги тушунчалар ҳақида тортишадиган бўлиб қолдим. Ўқитувчиларим, ўртоқларим, қўшниларим мендан Малайзиядаги мусулмонлар ҳақида сўрашарди. Мендан мусулмонлар ва Исломни ёмонлашимни кутишарди, мен эса у ерда фақат яхшиликни, гўзал ахлоқни кўрдим дердим. Кейин улар мен билан тортишиб кетишарди. Айниқса, лицейдаги ўқитувчиларим Исломни ёмонлай бошлаганида мен мусулмонларни ҳимоя

қилар эдим. Кейин эса немислар, жамиятимиз медиа ва ОАВлар воситасида мусулмонлар, Ислом мавзусида алданаётганининг фарқига бордим. Чунки уларнинг Ислом ҳақидаги қарашлари бутунлай нотўғри эди. Лицейнинг охирги курсида эдик, курсимизга боснияლик бир мусулмон ўқувчи келди. Ўқитувчиларимиз мусулмонларни ёмон кўрар эди, боснияლик ўртогим билан доим тортишишар эди. Мен ҳам бу баҳсларда боснияликни ҳимоя қиладиган бўлдим.

Кейинчалик ўз-ўзимдан сўрайдиган бўлдим, мусулмон бўлмаган ҳолингда нега Исломни севиб, мусулмонларни ҳимоя қиляпсан дея. Чунки христианлик ҳақидаги шубҳаларим орта бошлаган эди. Инжилдаги чалкашликлар ҳам эътиборимдан қочмасди. Икки йилдан кейин яна Малайзияга кетдим. Чунки мусулмонлар билан яшагим келди. Баҳонада Исломни янада чуқурроқ ўрганаман деб ўйладим.

– Кейин нима бўлди?

– Малайзияга келганимдан икки ойдан кейин Рамазон бошланди. Ҳамма рўза тута бошлади. У ердаги оиламдан, рўза нима учун тутилади деб сўрадим. Улар: «Аллоҳнинг амри бўлгани учун тутамиз. Рўза сабабли оч ва фақирларнинг очлик пайтидаги изтиробини ҳис қиламиз, натижада фақирларга эҳсон қилишимиз қулайлашади», – деб жавоб беришди. Мен ҳам мусулмон бўлмаган ҳолимда улар билан бирга рўза тута бошладим. Рўза мени Исломга





янада яқинлаштирди, Исломнинг маънавий дунёсини чуқурроқ ҳис қила бошладим. Ислом ҳақидаги бир неча китоб ўқидим, аммо мусулмон бўлишга қарор бера олмаётгандим. Чунки Исломни ҳали яхши танимайман, мусулмон бўлсам, қандай бўларкин деб иккиланардим. Рамазоннинг тугашига яқин Германияга келдим ва у ерда ҳам рўза тутишда давом этдим. Оиламдагилар ҳайратланди ва: «Сен мусулмон бўлдингми?» – дея бошлашди. «Йўқ, мусулмон эмасман, фақат рўза ёқиб қолди, холос» дедим. Рамазоннинг охирги куни бир немис миллатига мансуб, аммо Исломни қабул қилган опанинг зиёратига бордим. Опанинг исми Селма бўлиб, 15 ёшида Исломни қабул қилган эди.

– Селма хоним сизга қандай қилиб мусулмон бўлганини айтиб бергандир.

– Ҳа. Христианликдаги чалкашликлар сабаб бутун динларни ўрганиб чиққан экан. Ўн беш ёшдаги бир қизалоқ ўша пайтда энг мантиқли, инсон табиатига энг уйғун дин Ислом эканлигини англаб етиб мусулмон бўлган эди. Селма ҳаётимда кўрган энг закий, энг маданиятли инсонлардан бири эди. У менга: «Агар намозни бошласанг, Исломни янада чуқур тушуна бошлайсан», – деди. Ҳатто менга намоз ўқишни ўргатди. Илк намозимни Селма билан бирга ўқидим. Намоздан буюк бир завқ ола бошладим. Намозимни ҳеч қазо қилмасдим, намоз мени Аллоҳга

янада яқинлаштирди. Яна бир муслима қиз Марям билан танишдим. 2006 йил эди, бу ўртоқларим сабаб бўлгандик, Ислом билан шарафландим.

– Калимаи шаҳодат келтирган кунингизни эслайсизми, нималарни ҳис қилган эдингиз?

– Ўзимни покланганлек ҳис қилдим ҳамда бир куннинг ичида миллионлаб опа-сингиллик бўлиб қолгандим. Аллоҳ таоло Қуръонда барча мусулмонлар бир-бири билан биродардир дейди. Ислом улкан бир оиладир. Бу улкан Оиланинг аъзоси эканлигимдан жуда бахтли эдим. Мусулмон бўлганимдан кейин Аллоҳ хар доим мен билан бирга эканлигини ҳис қилардим. Бу ҳис хар доим руҳимни жонли тутарди. Кейинчалик эса диний суҳбатларга қатнашиш учун индонизиялик Муҳаммад Бенга исмли кишининг масжидига бора бошладим. У ерда кўплаб немис миллатига мансуб мусулмонлар билан танишдим.

– Сўнги сўзингиз...

– Европаликларнинг Ислом ҳақидаги тасаввурлари тўғри эмас. Яҳудийлар медиа ёрдамида инсонларга Ислом ҳақида янглиш тушунчаларни ёйишади. Бунга алланмаслигимиз керак, Исломни мукаммал ўрганишимиз керак.





**Ўн саккизинчи боб**

## ЖИНЛАРГА СИҒИНАДИГАН ҚИШЛОҚ

Китобимнинг охирида ёппасига Исломга кирган бир қишлоқнинг ҳикоясини ёзмоқчиман. 2005 йилдан бери қўлимга маблағ тушиши билан йўлларга тушиб саёҳат қиламан. Саёҳатим давомида мени таъсирлантирган воқеалардан бири Таиланднинг Чиангмаи худудидаги бир қишлоқ бўлди. Чиангмаи тоғли жой. Инсонлари бутларга, руҳларга ва жинларга сиғинар эди. Таиландлик мусулмонларнинг бу қишлоқдаги зиёратлари сабабли қишлоқ аҳлининг ярмиси Исломга кирган эди. Фанса қишлоғининг мусулмон бўлишига сабабчи бўлган йигитларнинг исми Абдуносир Довуд ва Иброҳим Ҳусайн.

Таиланднинг бошкенти Бангкокдаги бир меҳмонхонада йўлдошим Абдурраҳмон ва Ратанилик дўстим Усмон билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Усмон менга Фанса қишлоғининг мусулмон бўлишига сабабчи бўлган йигитлар ҳақида гапириб қолди. Мен ҳам режаларимни бир жойга суриб қўйиб уларни кўришни хоҳлаб қолдим. Усмон ҳам, эртага соат 10 да тайёрланиб туринг сизни у ерга олиб бораман деди.

## Жинлар бизнинг илоҳимиздир

Эрталаб йўлга чиқдик. 11:30 да Чиангмаига кетадиган самолётга миндик. Патанилик Усмон суҳбатини самолётда ҳам давом эттирди. Таиланднинг Жанубида жойлашган Чиангмаи ҳам худди Ратанига ўхшарди. Аҳолиси бир миллиондан ортиқ бўлиб, динлари буддизм эди. Аммо тоғдаги бир қишлоқ Фансаликлар эса жинларга сиғинарди. Қишлоқ аҳлининг деярли ҳаммаси коҳин ва сеҳрбоз эдилар. Бу қишлоқ Араканли мусулмонлар яшайдиган Миянмарга чегарадошдир.

Бир соатлик учишдан кейин Чиангмаига етиб келдик. Аэропортда бизни Абдуносир Довуд кутиб олди. Биз аэропортнинг масжидида пешин намозини ўқиб эски бир Скода машинасига миниб қишлоқ томон йўлга чиқдик. Ҳамроҳимиз Абдуносир Мисрдаги Ал-Азҳар университетида олти йил ўқиб келган Патанининг Наратива ҳудудида яшар экан. У бир ўртоғидан бу жинларга сиғинадиган қишлоқ ҳақида эшитиб қолади. Ва бу қишлоқ аҳлига Исломни танитиш учун келиб, шу қишлоқда яшай бошлайди.





## Ҳалол ошхона ва Амин

Скода машинамиз бир ошхонанинг эшигида тўхтади. Абдуносир бизни бу ошхонага тушлик емагига таклиф қилди. Ошхонанинг исми «Ҳалол» экан. Ошхона соҳиби эса покистонлик Амин. У бизнинг Туркиядан келганлигимизни эшитиб севинчдан ўзини қўярга жой тополмасди. Покистон зилзиласида Туркиянинг бизга қилган ёрдамларини ҳеч бир покистонлик унутмади дейди у. Амин олдимизга нафис ўзбек палови олиб кирди. Кейин эса Қора денгиз емакларидан икром қилди. Амин билан узундан узун суҳбатлашгач яна йўлга тушдик.

## Сеҳрбозларнинг ҳужумлари

Йўлда Абдуносир билан суҳбатимизнинг қолган жойидан давом эттирдик. Абдуносир дейди: «Ўтган йили бир ўртоғим билан тоғларга саёҳатга чиқдик. Фанса қишлоғида уч ой қолиб кетдик, бу ердаги инсонларни Ислом билан таништирдик. Эллик уч киши мусулмон бўлди. Қишлоқнинг коҳин ва сеҳрбозлари бизга ҳужум қиларди. Чунки инсонлар жинларга сиғинишдан воз кечиб, мусулмон бўлгач, коҳин ва сеҳргарларнинг ҳақиқий юзларини таниб қолишар эди. Бу сеҳр-жоду қилувчилар баъзан бизни тошбўрон қилиб қувишарди. Чунки бу қишлоқ аҳли дунёда Ислом деган бир диннинг борлигини

ҳаётида бир марта ҳам эшитишмаган эди. Сеҳр-жоду қилувчи коҳинларнинг тошбўронларини бизга аҳамияти йўқ. Қишлоқ аҳли Исломни танисин, шу биз учун етарли эди».

Қишлоққа етиб келдик. 250 киши мусулмон бўлган. Бундан безовта бўлган қишлоқнинг эски оқсоқоли ва сеҳргар коҳинлар бу инсонларнинг кўпини қишлоқдан бадарга қилишган. Қишлоқда коҳинларнинг босимига сабр қилиб яшаётган 30 кишигина қолган. Ҳозир босим бироз юмшаган. Сабаби янги оқсоқол анча марҳаматли чиқибди.

Қишлоқда бизни Иброҳим Ҳусайн кутиб олди. У ҳам Ал-Азҳарда олти йил таҳсил кўрган олим йигит эди. У бизни Туркиядан келганлигимизни эшитиб туркиялик журналист Сафар Туронни сўради. Сафар Турон билан университетда бирга ўқишган экан.

Улардан Исломни қишлоқ аҳлига қандай танитар эдингизлар деб сўрадим.

– Уйма-уй юрардик. Уларга бутун коинотни ягона Аллоҳ яратганлигини, Аллоҳнинг инсонларга Пайғамбарлар жўнатиб тўғри йўлни топишда ёрдамчи бўлишини тушунтирар эдик.

Аллоҳ аслида ҳар бир инсоннинг фитратига уйғун тушунчасини қуйиб қўйган. Бизлар фақат буни эслатувчимиз, холос.

Иброҳим билан суҳбатимиз давом этаркан, у бизга бу қишлоқдаги Америка, Корея ва Италиядан келган





миссионерлар ҳақида гапириб қолди. Ёз ойларида Корея, Сингапур, Америка ва Италиядан миссионер талабалар келади, улар христианликка даъват қилишади. Одатда пул ва совғалар тарқатади. Уч ой қишлоқда қолиб ҳам таътил, ҳам миссионерлик фаолиятини юргизишади. Бу йил учта оила христиан бўлди. Шу учтагина оила учун кореяликлар черков қуриб беришди. Юзларча оиланинг болаларини Европага олиб кетишди, ўқитиш ва христианлаштириш учун. Ислом мол дунёга сотиб олинадиган дин эмас.

Абдуносир ва Иброҳим бугунги кунда бу қишлоқда яшайди, бу ердаги мусулмонлар учун кичкина масжид қуришган, Қуръон курси очишган.

Фансага оқшом чўкаркан, Банкокка қайтдим. Тоғларни томоша қилиб фикрга толаман. Адам, сен бу икки йигитнинг қилган ишларини балки қила олмас эдинг. Аммо буларни унутишга ҳам ҳаққинг йўқ дер эдим ўзимга ўзим.

Тугади.

## ЁЗУВЧИ ҲАҚИДА

Адам Узкуса 1978 йилда Самсунгнинг Чоршанба районида туғилган. Мармара университетининг Алоқа факултети Журналистика бўлимида ўқиган. Журналистлик фаолиятини 2004 йилда «Вақт» газетасида бошлаган. У Туркияда уруш мухбири сифатида танилган. Ироқ, Афғонистон, Ратани, Кашмир, Сурия, Жанубий Ливан, Ғазо, Дарфур ва Моро каби уруш ва инқироз ҳудудларида мухбирлик қилган. «Ҳақикий ҳаёт» журналининг Ўрта Шарқ вакили эди. Кейинчалик «Санжакдор» журналида ишлади. «Тирилиш почтаси» газетасида ишлаган. Унинг бутун дунёга қилган сафарлари асосида ҳужжатли филъмлар ишланди. Бу ҳужжатли филъмлар ТРТ ва бошқа Туркия каналларининг ҳаммасида намойиш қилинган.

Китоблари:

1. «Жаннатга таклифнома».
2. «Сўзнинг сабри».
3. «Уммат жугрофияси».
4. «Сайёҳ».
5. «Мақсадимиз – Ислом олами».
6. «Қочоқ йўловчи».



Қайдлар учун